

НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ

ҚАЛБИМ ҚАТРАЛАРИ

(Тўртликлар)

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ

Азиз китобхон, сиз таниқли шоир Нормурод Нарзуллаевнинг номини яхши биласиз. У қарийб қирқ йилдан буён ўзбек адабиёти равнақи йўлида ҳормай-толмай хизмат қилиб келаяпти. Шоирнинг шеърий тўпламлари китоб жавонларингиздан жой олганига, дилрабо қўшиқларни эса дилингиз тўрига кириб борганига шубҳа йўқ.

Шоир Нормурод Нарзуллаев сўнгги йилларда қаламга олган тўртликларини «Қалбим қатралари» номи остида эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

На узбекском языке

НОРМУРАД НАРЗУЛЛАЕВ

ЗОВ СЕРДЦА
Сборник четверостиший

Ташкент, «Фан»

Муҳаррир: *Умурзоқ Ҳожи мулла Зокир ўғли*

Мусаввир: *Б. Ҳайбуллин*
Техмуҳаррир: *А. Шепельков*
Мусаҳҳиҳ: *М. Саидова*

ИБ № 6481

Теринга берилди 16.05.91. Боснига рухсат этилди 06.06.94. Қоғози бичими 84×108^{1/2}. Босмаҳона қоғози. Адабий гарнитурга. Юқори босма. Шартли босма. т. 4.62. Ҳисоб-нашриёғ т. 3.3. Нусха 10.000. II завод. Келишилган нархда. Буюртма 83.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмаҳонаси: 700170, Тошкент, Ҳ. Абдуллаев шох кўчаси, 79.

4702620202 — 1175
Н М 355(04) — 94 рез. 94

ISBN 5—648—02167—4

© «Фан» нашриёти, Нормурод Нарзуллаев, 1994 й.

«КИЧИК БИР ТОМЧИДА АКС ЭТАР ҚҰЕШ...»

Ўзбек шеърляти бой ва ранг-барангдир Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, ишқий, маърифий мавзуларда яратиладиган тўртликлар шулар жумласидандир. Тўртлик рубоий сингари, тўрт мисрадан иборат мустақил шеърлий асар ҳисобланади. Тўртликнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, у дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган. Ўзбек халқ қўшиқларининг мустақил тўртликлар сифатида яратилиши бунга яққол мисол бўла олади. Махсус жанр сифатида тўртлик рубоийдан ўзининг шаклий ва мазмуний жиҳатлари билан фарқланади. Тўртликнинг мавзу доираси кенг бўлгани сабабли ўзбек шеърлятида уни қаламга олмаган шоирни топиш қийин. Масалан, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Р. Бобожон, А. Орипов, Э. Воҳидов, Ж. Жабборов, Ж. Камол, Б. Бойқобулов, О. Матжон, Шухрат, И. Тўхтамишев ва бошқа шоирлар ижодида тўртликнинг яхши намуналари мавжуд.

70-йиллардан буён тўртлик жанрида қалам тебратаётган истеъдодли ва иқтидорли шоирлардан бири Нормурод Нарзуллаевдир.

Ижодий фаолятини 1954 йилдан бошлаган Н. Нарзуллаев шу йиллар давомида эҳтиросли шоир, фаол жамоатчи ва ташкилотчи, куюнчак нотик ва публицист сифатида танилди. 30 дан ортиқ шеърлий китоблари («Суюнчи», «Меҳр чашмаси», «Нигоҳлар», «Лаҳза ва ларза», «Тонг элчиси», «Яхшилик деб яшайман», «Аниқ вақт» кабилар) нашр этилди, 7 та шеърлий китоби рус тилида босилди. Икки жилдлик «Сайланма асарлар»ни босилди.

Н. Нарзуллаев «Нарзий» тахаллуси билан қўшиқнавис шоир сифатида ҳам республикамизда танилган. Ҳозирда унинг 200 дан ортиқ қўшиқлари радио ва телевидение орқали ижро этилиб, тингловчилар қалбига маънавий малҳам бўлиб келмоқда. Унинг шеърлари асосида яратилган кўплаб, қўшиқлар республикамиз кўрик-танловларида қатнашиб, рағбатлантирилди. Ма-

салан, шоирнинг «Тўйларинг муборак» қўшиғи Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган республика кўрик-танловида биринчи, «Муҳаббат» қўшиғи замонавий қўшиқлар танловида иккинчи «Наврўз муборак» қўшиғи эса учинчи ўринни эгаллаганлиги фикримизнинг далилидир.

Таниқли шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ешлар Иттифоқи мукофоти совриндори Н. Нарзуллаев ўзининг бой ва маҳсулдор ижоди билан ўзбек шеърияти равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шоир шеърларининг мавзу ва маъно кўлами кенг ва чуқур. Шеърлари оддий, равлон, содда ифодалар асосига қурилган. Шоир уларда инсон қалбининг турфа кечинмаларини турли-туман ташбеҳларда, жозибали образларда ифодалайди. Шу боис у яратган шеърлар оромбахш куйдек кишига ҳузур бағишлайди, туйғуларини қитиқлаб, орзу-ўйларга етаклайди.

Мазкур тўпلامда шоирнинг 500 тўртлиги — мустақил шеърий асарлари берилган. Булар шоирнинг ҳаётий кузатишлари, ахлоқий-фалсафий мушоҳадалари, қалбига ва шуурига таъсир қилган кечинмалари асосида юзага келган бадий умумлашмаларидир. Шу боис шоир ўз қаламга оладиган мавзу ва мазмуннинг оғир ёки енгиллигига, мураккаб ёки оддийлигига қараб, гоҳ ўйноқи, шўх, шалоладек завқли, баъзан эса оғир, вазмин, ўй-хаёлга толдирувчи, инсон тақдири ҳақида чуқурроқ ўйлашга ундовчи мисралар битади.

Тўпلامда келтирган тўртликларнинг вазний асоси, қофияланиш тарзи ва ҳижола микдорининг турли-туманлиги ҳам шу билан изоҳланади. Бироқ шоир қандай мавзу ва ғояни қаламга олмасин, ўз ижодига хос хусусиятга содиқ қолиб, катта ҳаётий-фалсафий мушоҳадаларни ҳам ғоят содда, кўпчиликка осон тушуниладиган услубда ифодалайди. Ўз фикрини ихчам ва лўнда шаклда тасвирлаб, теран ва яхлит умумлашмалар чиқаради. Бу шоирнинг салоҳиятидан, шоирлик камолатидан далолатдир. Қуйидаги тўртликларга диққат қилинг:

Юрак — меҳрга муҳтож,
У ишқ билан ҳамнафас.
Бу ҳақиқат, на илож,
Қалбга буюриб бўлмас.

* * *

Диёнатни, тақдирни ҳам сотдилар,
Дастурхонни, тандирни ҳам сотдилар.

Виждон камдай, имон камдай сотганлари,
Инсофни еб, қабрни ҳам сотдилар

Айбингни очик айтса, дўстингдан этма гина,
Афтинг хунук кўринса, гуноҳкор эмас ойна.
Дўст ачитиб гапирар, душман эса кулдириб,
Асл дўст елка тутар, ёт кетар бериб фириб!

Кўрамизки, бу тўртликларнинг бири а-б-а-б, иккин-
чиси а-а-б-а учинчиси а-а-б-б шаклида қофияланиб, 7,
11 ва 14 ҳижоли шеър тузилишида ёзилган. Булардаги
қофиялар шакли шеърий нутқ оҳангдорлиги ва таъ-
сирини кучайтириб, мисраларнинг хотирада яхши сақ-
ланиб қолишини осонлаштирган бўлса, ҳижолар миқ-
дорининг ҳар хиллиги эса тўртлик характерини белги-
лайди. Ҳижо миқдори кам шеър енгил ўқилиб, осон
тушунилади, ҳижолар миқдорининг кўплиги эса шеърий
оҳангнинг вазминлигини, фикр айтиш эркинлигини таъ-
минлайди. Шоир тузилиши жиҳатидан ҳар хил бўлган
бу тўртликларда ҳам ҳаётий мушоҳадаси ва умумлаш-
ма хулосасини китобхонга етказа олган.

Тўпламга кирган тўртликлар мазмунан ғоят ранг-
баранг бўлиб, уларда шоирнинг ҳаёт ва инсон, жа-
мият ва табиат ҳақидаги, эътиқод ва садоқат, маънавий
ва маънавий олам тўғрисидаги мушоҳадалари ўз ифо-
дасини топган. Кишилардаги яхши фазилат ва хислат-
лар, соф севги ва вафо, беғараз дўстлик ва хайрихоҳ-
лик, турмуш ташвишларига ҳамдардлик, одамлар муш-
кулини енгиллаштиришга интилиш, ватанпарварлик ва
меҳнатсеварлик олқишланиб, шунга даъват этилади.
Чунончи, қуйидаги тўртликда мутафаккир шоир Али-
шер Навоий рубоийсидан бирининг ҳаётбахш ғояси да-
вом эттирилади:

Ҳайвон ҳайвон эрур, ваҳший ваҳшийдир,
Ёмон ёмон эрур, яхши яхшидир.
Ёвузлик, ёмонлик — умр эгови,
Яхшилик бир умр ҳаёт нақшидир.*

Ёхуд ота-онага ҳурматда бўлиш ва мурувват кўр-
сатишга даъват:

Отанга чўп отсанг, боланг тош отар,
Тош тегса бошингга, жонни қақшатар.
Ҳисобли дунё бу қадим-қадимдан,
Сўнги пушаймондан кўзда ёш қотар!*

Шоир ўз тўртликларида инсондаги олижаноб фазилатларни мадҳ этиб, ундан ўрганишга, ўрнак олишга

даъват этибгина қолмай, инсоний фазилатлардан маҳрум бўлгаң, ахлоқсиз, такаббур, бемеҳр, тошбағир, имонсиз, йнсофсиз, номард, очкўз одамлардан узоқ юришга чорлайди, уларга нисбатан исёнкорлик руҳини қарши қўяди. Мисолларга мурожаат этайлик:

Баджаҳлнинг ғазабидан қўрқ,
Зор қақшатган асабидан қўрқ.
Бу ҳаётда иллат — баҳона,
Бекорчининг сабабидан қўрқ.

* * *

Қимки яхши, нияти холис,
Ул одамнинг йўғи бор бўлғай.
Қимки нокас, бўлса гар ёвуз,
Бу дунёда мудом хор бўлғай.

«Қалбим қатралари» деб номланган ушбу тўплам нашрининг амалий аҳамияти ҳам унга киритилган тўртликлар мазмунининг ҳаётий-фалсафий жиҳатдан теранлиги, уларда ифодаланган умумлашма хулосаларнинг китобхон маънавиятига таъсир кучи, самимий руҳи билан белгиланади.

НАРИМОН ҲОТАМОВ
филология фанлари номзоди.

1

Кичик бир томчида акс этар қуёш,
Тоғлар — меҳри билан тошқин шалола.
Азиз замондошим, Сизга эгиб бош,
Қалбим қатраларин этдим ҳавола.

2

Ростлик кетса, ёлгонлар қолур,
Ишонч кетса, гумонлар қолур.
Ҳаёт, бунча бўлмасанг қаттол,
Яхши кетса, ёмонлар қолур!

3

Биров секин юрар, биров чопади,
Биров йўқотади, биров топади.
Бу — катта жудолик эмас оламда,
Бироқ... одамлар бор — тилсиз қопади!

4

Хатойингни пойлаб турармиш
Ўзингни, эмас бошқалар,
Диёнат у инсоф қаерда?
Гўрингга ҳам ҳатто тош қалар!

5

Қимки ожиз, бўлса ночор гар,
Куч беражак «ўткир» тилига.
Доно киши бошқа йўл тутар,
Суянади Ақлу дилига!

6

Ўзимники, деб атаг мени,
Бошим олинг қилсам хиёнат.

Ишқим сѳтсам, йўқотсам сени,
Жазоласин мени Диёнат!

7

Қоча олмас ҳеч киши тақдир тақозосидан,
Эртами, кечми, албат, рўбарў, дуч келади.
Ҳамма ҳам ўтар бир кун ўлим дарбозасидан,
Пешонада битгани — ёзилгани бўлади!

8

Отга миндим, дея урма қамчини,
Қамчи урсанг, отнинг учиши ҳам бор.
Жилов қўлимда деб кўп ҳам чиранма,
Отга минилдими, тушиши ҳам бор!

9

Ҳаётда нималар бўлмайдди дейсиз,
Бу — оддий ҳақниқат,
эртакмас, тушмас:
Айрим амалпараст кимсалар борки,
Отдан тушса тушар, эгардан тушмас!

10

Армоннинг ҳам чегараси бордир дунёда,
Ҳар муродга жуда даркор мезон — ақли-ҳуш.
Барча билар туяқушни, изоҳ зиёда,
Туя бўлиб туя эмас, ё қуш бўлиб қуш!

11

Учма кўп ҳам чой чақаларга,
Кун қолмасини кўр бақаларга.
Узоқ умр кўраман, деб сен
Ҳавас этма тошбақаларга!

12

Ҳайвон ҳайвон эрур, ваҳший ваҳшийдир,
Ёмон ёмон эрур, яхши яхшидир.
Ёвузлик, ёмонлик — умр эговни,
Яхшилик бир умр ҳаёт нақшидир!

13

Бунча ҳам ўксинма, дард чекма, ошно,
 Ҳеч ким бўлган эмас мукамал, доно.
 Ахир, беш бармоқ ҳам бир хил эмас-ку,
 Бу олам ўзи ҳам тескари дунё!

14

Айбсизни ёмонлаш гар келса гали
 Бўламиз, тўпланиб булбулигўё.
 Яхшини ёқламоқ келган маҳали
 Содиқ дўст топилмас, қуёнмиз аммо!

15

Сиғинмайман мутлоқ инсон шахсига,
 Шахсга сиғиндингми, оқибат аён.
 Менинг шахсиятим Имоним, Ишқим,
 Севгимга сиғиниб яшайман омон!

16

Мерган мерган эмас гар отган ўқи —
 Тегмаса мўлжалга — аниқ нишонга!
 Шу боис қўлига олсинда қалам
 Қалбига, кўзига яхши ишонган!

17

Ҳаёт ҳаёт эмас, қувонч бўлмаса,
 Умр умр эмас, ишонч бўлмаса!
 Дўстлик иморати кетарди нураб,
 Метин пойдевори — таянч бўлмаса!

18

— Гулдан гулга қўниб капалак янглиф
 Вафодан воз кечиб, тонганлар озмас!
 — Севгисин тақдир деб, англаб дунёни
 Муҳаббат ўтида ёнганлар озмас!

19

«Полвонман» деб урма кўп кўкрак,
 Ана, майдон, тушгин курашга,

Ярасанг гар шукр қилардик
Курак олиб қорни курашга!

20

Жонон қизлар севиб таъкидлар,
Тайёрмизми аниқ жавобга?!
Қизлар ишқин асранг, йигитлар,
Тушмай туриб «Қизил китобга!»

21

Оғир дардни кўтармас юрак,
Малол келар ҳаёт юмуши!
Қалбга вафо, муҳаббат керак,
Етиб ортар Севги ташвиши!

22

Лаҳзаларда келар муҳаббат,
Лаҳзаларда кетмасин қайтиб!
Қисмат бўлиб қолсин Ишқ фақат,
Яшай ишққа шуқрлар айтиб!

23

Она сути тоза, беғубор,
Она сути пайванд кўнгилга.
«Сут ҳақи»га кимдир эмиш зор,
Она сутин сотмайлик пулга!

24

Отанга чўп отсанг, боланг тош отар,
Тош тегса бошинга, жонни қақшатар.
Ҳисобли дунё бу қадим-қадимдан,
Сўнгги пушаймондан кўзда ёш қотар!

25

Ҳамма ҳам келади, кетади бир кун,
Кетмоқ бор, келмоқ бор ёруғ оламда.
Наф тегмаса элга, туғилдик нечун?
Яхши ном қолса, бас, яхши одамдан!

Бозорга солади ҳар ким ўз молин,
 Сотмоқ бўлар кимдир ҳусн — жамолин.
 Ҳусн ҳам ёш каби боқий эмасдир,
 Ақл баҳолайди етук камолин!

Ҳаёт ҳам мисоли бир ўпқон, бир жар,
 Дўсти-ю душманни ютгани ёмон,
 Чидайсан кўксингга дўст урса ханжар,
 Дўст бўлиб, бировга сотгани ёмон!

Диёнатни, тақдирни ҳам сотдилар,
 Дастурхонни, тандирни ҳам сотдилар.
 Виждон камдай, имон камдай сотганлари,
 Инсофни еб, қабрни ҳам сотдилар!

Боғлагандим белга камар,
 Илон бўлиб чиқди!
 Кўрсатди ўз кучин заҳар,
 Чаён бўлиб чиқди!
 Бир дўст билиб, гар ишонсам,
 Ҳамла қилди ханжар-ла,
 Дард балоси ичда экан,
 Чипқон бўлиб чиқди!

Битта ойим, бир қуёшим бор,
 Битта юрак, бир бардошим бор.
 Ҳақ йўлида кесса гар қилич,
 Унта эмас, битта бошим бор.

Яхшилик — юракнинг қалови,
 Ҳалолмас — бировнинг сийлови.
 Кўз очиб ақлимни пешладим:
 Бўхтондир — ҳаётнинг эгови!

Сохта калом — тилни қақшатар,
 Ёлғон ваъда — дилни қақшатар.
 Оқ йўл тиланг йўлга чиққанга,
 Ёмон ният йўлни қақшатар!

Олам-олам эмасдир тиниқ осмон бўлмаса,
 Дунё қуларди бирдан ҳалол инсон бўлмаса!
 Селу дўлу ўт бир ён, бўҳтон балоси ёмон,
 Бало қандай даф бўлур балогардон бўлмаса!

Қимки бебурд, бўлса беимон,
 Боши узра осмон йиқилсин.
 Имониға терс келса инсон,
 Осмон билан инсон йиқилсин!

Ҳаво туманлашса, оддий ҳақиқат,
 Қўп ўтмай туман ҳам тарқалиб кетар,
 Инсон тубанлашса, бу оғир кулфат,
 Демак, таназзулга аниқ юз тугар!

Турмуш илтифотдан иборат эмас,
 Умр латофатдан иборат эмас.
 Аччиқ ҳақиқати бордир тақдирнинг,
 Ҳаёт мукофотдан иборат эмас!

Иморатинг қуласа, қуриб оласан бино,
 Йўқотсанг давлатингни, топилади, мол-дунё,
 Номусидир инсоннинг лекин камёб бойлиги,
 Номусингни ардоқла, номус топилмас дунё!

Танамиздан олиб бўлмас кўзу қошни,
 Йўллариңда учраса гар тепма тошни.

Билки, дўстим, бул ташланган қалтис қадам,
Оёғингни қон қақшатар, эгар бошни!

39

Айбингни очиқ айтса, дўстингдан этма гина,
Афтинг ҳунук кўринса, гуноҳкор эмас ойна,
Дўст ачитиб гапирар, душман эса кулдириб,
Асл дўст елка тутар, ёт кетар бериб фириб!

40

Босиб келган тумандан сақлан,
Суюқ оёқ юргандан сақлан,
У дўст эмас, хавfli рақибинг,
Сенга зимдан кулгандан сақлан!

41

Сен мансабни довон билма, бевафодир, довон эмас,
Вазифа бу — қўл киридир, қўл кирига этма ҳавас.
Сохта шуҳрат, мартабалар ўткинчидир дайди
Ким мутеки — умри маҳкум, ул инсоfli инсон
елдай,
эмас!

42

Кўкда бобо қуёш бор, чақинман, деб ўйла.
Ақл-идрок менда деб, оқилман деб, ўйлама.
Тарих биздан донороқ, халқ бор биздан зуккороқ,
Ҳикмат бобида танҳо нақлман, деб ўйлама!

43

Эшак семирмасин, эгасин тепар,
Итнинг қорни тўйса, қутурар, қопар.
Дерлар: — Семизликни кўтаради қўй,
Не ажаб, ҳар бир гап эгасин топар.

44

Жаҳл хуруж қилса, кетади ақл,
Жаҳлнинг қурбони бўлмасин шуур!
Чўғ ўчдими, тамом, ундан қолур кул,
Исиниб бўлмайди кулга, ўйлаб кўр!

45

Яхши от илдам чопар, бир қамчи ҳам етарли,
Бу ёлғончи дунёда бир онтчи ҳам етарли!
Дўстим кўп деб мақтанма бу оғули ҳаётда,
Ошинг заҳар этмоққа бир томчи ҳам етарли!

46

Гапирсин қалбинг, кўзинг,
Зинҳор ёлғон сўзлама!
Бўлса ҳам икки юзинг,
Бўлма икки юзлама!

47

Яхши дўстга бўҳтон айладинг,
Соф кўнглини хуфтон айладинг.
Ниқобингни йиртмай бетингдан,
Сен ўзингни шайтон айладинг!

48

Бўш қоп турмас сира ҳам тикка,
Ошиғим олчи, деб кеккайма кўкка.
Писиб отма маломат тошин,
Мард бўлсанг, кел, яккама-якка!

49

Инсон кўнгли азал абад бир боғ, бир гулзор,
Пайҳон айлаб, дил гулзорин берманг озор.
Бахил боғи кўкармагай, топгай завол,
Шарқда гап бор: «Дилозордан худо безор!»

50

Ҳаётнинг бор нозик элаги,
Элагиди бизни элайди:
Кимдир уну кимдир кепаги,
Ким доною ким эрур дайди!

51

Тез, тўполон дарёнинг оқишидан асрасин,
Имонсиз одамларнинг оғишидан асрасин.

Халқ буюқдир, халқ — азаз, эл ишончин олайлик,
Халқнинг қарғиши ёмон, қарғишидан асрасин!

52

Тўғонман, деб кўпирма, ўртоқ,
Дарз кетдими, ўпириб кетар.
Ким оқимга бўлса тўғаноқ,
Оқим уни супуриб кетар!

53

Бошингга балодир жиловсиз нафсинг,
Бурнингни қонатар ҳаёсиз кайфинг.
Сен одам эмассан, совуқ бир тошсан,
Бировга тегмаса, заррача нафинг!

54

Виждон бошқа, жиғилдон бошқа,
Кийдиради виждон тож бошга.
Бўлсанг агар жиғилдон қули,—
Азиз бошинг урилгай тошга!

55

Ҳаёт ҳаракатин ғилдираги бор,
Одил вақт бошқариб айлантиради.
Инсофли инсонни манзилга элтар,
Қимки беимондир, улоқтиради.

56

Илонга тегманг зинҳор,
Инидан чиқса ёмон.
Қиличга бўлманг хуштор,
Қинидан чиқса ёмон!

57

Дўст бўлай, деб, дўст ичмас қасам,
Эътиқодин қадрлар нон-туз.
Кексаликдан букилмас одам,
Бевафолик чўктиради тиз.

Эътиқодим, имоним — Ватан,
 Диёнатим, виждоним — Ватан,
 Гар жиёнат қилсам Ватанга,
 Умрим кутманг, ўранг кафанга.

Бу заминда беташвиш бир жон кўрмадим,
 Ҳаёт ташвишларин осон кўрмадим.
 Бу дунёнинг ўзи ҳам бир кам дунёдир,
 Во ажаб, бенуқсон инсон кўрмадим!

Йўл бўлса-ю, қайрилиши бўлмаса,
 Кўп қоқилиб, тайрилиши бўлмаса,
 Етса киши муроду мақсадига,
 Висол бўлса, айрилиши бўлмаса!

Тириклик, ширин жон деб, яралган кўҳна олам,
 Жар солиб илҳомим-ла жумла-жаҳонни чулғай!
 Сокин бўларди ҳаёт, бахтли яшарди одам,
 Бу дунёда инсонлар бўлса қуда-қудағай!

Кўнгил — нозик, гул бўлишга розиман,
 Ишқ йўлида қул бўлишга розиман.
 Чўғдай ёниб, дўст қозонин қайнатсам,
 Учоқ ичра қул бўлишга розиман.

Кераксиз деб улоқтирдик тошчаларни,
 Ўзни севиб, унутдик биз бошқаларни.
 Айтинг, қайда ўша тошлар, тилло бошлар?
 Бу ҳақиқат қалбимизни парчаларми?!

Қимни саҳий дерлар кимнидир бахил,
 Қимни яхши дерлар, кимнидир баттол.

Ўт кетмасин ўрмонга, дўстим, яхши бил,
Ўт тушдими, ҳўл, қуруқ ёнар бемалол!

65

Мамлакат кўп дунёда бири-биридан гўзал,
Бири-биридан улуғ, бири-биридан афзал.
Бироқ бор бир мамлакат — номи Дўстлар диёри,
Бул диёрнинг мулкидир содиқ дўстлар дийдори!

66

Болалигим кашф этди дунё,
Инсонлигим тан олар олам.
Ҳаётимдан бўлардим ризо,
«Шоирман» деб кўзларим юмсам!

67

Кечани унутсанг, Бугунинг бўлмас,
Ўтмишни билмасанг, қайда Қелажак!
Гар Эски бўлмаса, Янги туғилмас,
Бугунни қадрла, Эрта кулажак!

68

Бир бор берилади ёшлик, гўзаллик,
Ҳаётимиз каби мангу бир бора!
Шундай яшайликки, ўтган умримиз
Қолсин ўзимиздан бўлиб хотира!

69

Халқ — азим дарё-ю, сен унда қатра,
Қатрадан яралар зўр дарёлар ҳам!
Дарё оқимида оқавер ҳар дам,
Умрингда бир завол кўрмайсан сира.

70

— Кўзингизга боқсам, қорачи
Нега бунча ёнар худди чўғ?
— Чунки унда сен ўзинг борсан.
Ишонмасанг мана, қара-чи!

71

Мен ҳам севдим — севдик иккимиз,
Юрак бўлди бизларга совчи.
Синовлардан ўтди севгимиз,
Фарзандимиз — ҳаёт қувончи.

72

Тонг юлдузи кулса саҳар бўлади,
Гулларнинг сараси сафсар бўлади,
Бир оғиз сўзига қилиб интизор,
Қизларнинг баъзиси «қайсар» бўлади.

73

Куч-қувватга тўлмаган билак — билакми,
Беҳуда парвоз қилган тилак — тилакми?!
Она юрт тузи билан ўсиб, улғайиб,
Ишқи билан ёнмаган юрак-юракми?!

74

Ана, қаранг, жажжи чумоли
Ўз ризқини оғзида ташир...
Бизлар каби текинхўр эмас,
Ҳалол ишлаб, у ҳалол яшар!

75

Осмон ҳилолида сизни кўраман,
Булоқ зилолида сизни кўраман.
Ҳилолим ҳам, зилолим ҳам — Сиз,
Дилдор хаёлида ўзни кўраман.

76

Нурда нима товланса,
Ҳай-ҳай, этмангиз ҳавас,
Сомон ҳам ялтирайди,
Ялт этган тилло эмас! ✓

77

Тонг кўркамдир шафағи билан,
Ҳаёт ширин қўшиғи билан.

Дунёни яратар меҳнаткаш инсон,
Демак, дунё тирик ошиғи билан.

78

— Келар экан ёруғ дунёга,
Гўдак йиғлаб туғилар,
Нега?
— Оиланинг узайтиб умрин,
Сўрар у ҳам дунёдан ўрин,

79

Юрак ва муҳаббат — дугона бўлар,
Чин инсонда юрак ягона бўлар.
Одамда қалб каби Ватан ҳам битта,
Бошқаси, бошқаси... бегона бўлар!

80

Нигоҳим дарахтга кўпроқ тушади,
Барги хазон бўлса — япроқ тушади.
Япроқ узилдимми — ҳаётим деб бил,
Ушанда қалбингга титроқ тушади.

81

Кўзим — олам,
Гавҳари — юрак,
Бутун борлиқ унда намоён,
Шу бойликни қўриқлар сергак,
Киприкларим гўёки посбон!

82

Дилини, жонини ардоқлар одам,
Кўнгил кўнгилни дер, жон риштаси бор!
Ҳаёт — гўзал, мангу, турфаранг, олам,
Муҳаббат аталмиш фариштаси бор!

83

Шеър — шоирнинг кўзин нуридир.
Шеър — оловли юрак қўридир.
Халқ дилига завқ-шавқ сололса —
Шеър — шоирнинг мангу умридир.

Инсон тирик ҳамиша
 баҳодир юрак билан,
 Юрак нафас олғуси
 покиза тилак билан?!
 Одам қуруқ ёғочдир
 рости, юрак ва тансиз,
 Яшаб бўлмаганидай бу
 бу оламда ватансиз!!!

Қўприк не учун керак —
 йўловчилар ўтмаса,
 Киприк не учун керак —
 кўзни асраб тутмаса.
 Шеър не учун керак —
 дилга малҳам бўлмаса,
 Шоир не учун керак —
 қалби олам бўлмаса!

Дунё тилларини ўрганса бўлар,
 Дунё тилларида гапириш мумкин.
 «Мен тугал биламан инсон дилини»,—
 Деган бир кишини кўрмадим лекин.

Менинг йўғим-борим ҳам — ўзи,
 Юрак чўғим — қўрим ҳам — ўзи!
 Бу оламдан нени яширай,
 Менинг Тангрим, Пирим ҳам — ўзи!

Ирмоқлар соғиниб дарёни йўқлар,
 Ҳаёт бор нафосат ҳаёни йўқлар.
 Қуёшга мафтункор ишқи соф инсон,
 Ҳаётга ишқ қўйиб, зиёни йўқлар!

Бағрим очиб чин инсонни —
 ўртоқни ўпгум,

Хонадонда нур ҳурмати — чироқни ўпгум.
Қалбимдаги қон ҳурмати — байроқни ўпгум,
Дастурхонда нон ҳурмати — тупроқни ўпгум!

90

Агар уйга кирмаса шамол,
Хонадонни чанг босиб қолар.
Ғафлат босса, бўлсак бемалол,
Қалбимизни занг босиб қолар!

91

Болали уй оркестрга ўхшайди,
Неки куй бор — доим бирга яшайди.
Боласиз уй — гўё тилсиз қўнғироқ,
Садо чиқмас қанча чалсанг ҳам бироқ.

92

Яхшиларга канда қилмам таъзимни,
Яхшилар-ла кўрай дейман ўзимни.
Пайт келиб ёқамдан ушласа ўлим,
Шунда ҳам кўксимда бўлади қўлим!

93

Она талпинади гўдак болага,
Бола талпинади катта оламга.
Онанинг, боланинг якдил юраги,
Талпинади фақат яхши одамга!

94

Япроқда оқ нуқра — қалтирар қатра,
Саҳар унутдими исирғасини?!
Кумушга ювиниб, тонг отди, қара,
Қатрада тинглайсан шудринг сасини.

95

Зарпечакдир — шуҳрат, амалпарастни
Чаққон қулоч отиб, ўраб олажак.

Шухрат иморатин пойдевори йўқ,
Буниси омонат, нураб боражак.

96

Хаёт бордир ҳаёда,
Ишқни кўмар хиёнат.
Инсоф бордир дунёда,
Йўқолмагай Диёнат!

97

Дунё ёлғонни кечирмас,
Шубҳа, гумонни кечирмас.
Номардлар кўп оламда,
Сөхта инсонни кечирмас!

98

Чин инсонга сажда қиламан,
Соф виждонга сажда қиламан.
Менинг бордир қиблагоҳим,—
Мир Султонга сажда қиламан!

99

Ўтсиз қайнамас қозон,
Кул ўчоқдан асрасин!
Имон-ла тирик инсон,
Қирпичоқдан асрасин!

100

Бўлса сенда лавозим,
Кўпаяди мулозим.
Чиқсанг қанча баландроқ,
Эл кетар сендан йироқ!

101

Ҳақиқатни англа, қариндош,
Муқаддасдир хар бир қабр, тош.
Ғанимат бил икки дунёни,
Умримизга шерик, тақдирдош!

Бозорнинг, мозорнинг сарҳисоби бор,
Йўлга сола олмас асло бошқалар,
Инсон ақли ҳатто ғарибу ночор,
Яратган Эгамнинг ўзи бошқарар!

Оқ фариштам, оппоқ фариштам,
Тушларимда чироқ фариштам.
Ҳаётимда бўлмас ҳаловат,
Кетсанг агар йироқ, фариштам!

Кўзи очдан асрасин худо,
Кун чиқиш бор, кун ботиши бор.
Бойликка кўп ўч бўлма, ошно,
Йиққаннинг ҳам тарқатиши бор!

Ўзи тўйса ҳамки тўймайди кўзи,
Ўз нафсини ўйлаб кун ўтар кўпроқ.
Жиғилдони қайнаб, чиққуси миси,
Эҳтимол, кўз юмса, тўйдирар тупроқ.

Гоҳо дил шод бўлар, гоҳо чўкар ғам,
Бошлар гоҳо мағрур, гоҳо бўлур хам.
Бугун ёруғ кундир, эрта зимистон,
Шунақа яралган, дўстим, бу олам!

Кимлар учун қанотдир амал,
Кимлар учун у — зиндон, қамал.
Қабристонда белгили жой-у,
Тирикликда қўйилган ҳайкал!

Ногоҳон урилса кўксинга ханжар,
Бардош ҳам берасан тиф порасига.

Дерларки, ёмон сўз тигдан беш баттар,
Ким даво топибди дил ярасига?!

109

Ҳақиқат дарахтин ниҳоллари кўп,
Кўчатлар эгилар, сиқмайди асло.
Ҳаёту тақдирнинг саволлари кўп,
Жавоб излаб юрак тинмайди асло!

110

Ачимасин хамиртуриш,
Ризқ узилар, йўқолар нон.
Гул ҳаётга урилар ниш,
Кечирмайди оқ дастурхон!

111

Савоб олиб яхшилар,
 эк кўнглин шод айлагай,
Ёмон зотлар додидан
 халқ абад дод айлагай.
Тарих бунга гувоҳдир,
 эл билади яхшироқ,
Пок инсонни бу дунё
 қалбида ёд айлагай.

112

Етти иқлим кезиб етти самода
Етти сайёрани сайр этмоқ мумкин.
Етти гўзал машҳур ёруғ дунёда,
Мен учун, гўзалим, тапҳосан лекин!

113

Суянчиғим — Диёнат,
Оқибатни ардоқланг.
Ишққа қилса хиёнат
Юрагимни чақмоқланг!

114

Бор эканки бу замон, бу ер,
Бу дунёда бир сиқим тупроқ.

Инсон ўлмас, яшайди меҳр,
Учмас асло ишқ ёққан чироқ!

115

Ҳақиқатни яширманг халқдан,
Халққа айтинг бор ҳақиқатни.
Ҳақиқатни олқишланг қалбдан,
Унда кўрдим ҳақ, адолатни!

116

Юрмоқ учун дадил, денгизда мағрур,
Кучли шамол керак ҳар бир елканга.
Қачон бошни силар мададкор қўллар,
Қим таянч бўларкан нимжон елкамга?!

117

Тилига куч берар ҳар дам бақироқ,
Омад келди чоғи ҳуштакбозларга.
Бефарқ қараб бўлмас тақдирга бироқ,
Наҳот кун тугсая замонсозларга?!

118

Қимки элин севса, қўйса эътиқод,
Уша инсон замон султони бўлгай.
Қимки юртин сотса, қилса хиёнат,
Уша кас ўз даврин қурбони бўлгай!

119

Еш танламас асло муҳаббат,
Муҳаббатда йўқдир танаффус.
Ишқлиларга ардоқни ҳаёт,
Ишқда кетмас надомат афсус!

120

Олис уфқларни кўзлайди инсон,
Кўшиқлар — бир умр инсон ҳамроҳи.
Кўшиқ бор, иқбол бор, ҳаёт чароғон,
Кўёшга нур берар инсон нигоҳи!

Қанча умр кўрар одам,
 менга даргумон,
 Бироқ қалблар нидо айлар,
 ташлангиз нигоҳ:
 Ҳорғинликни қариликка
 қолдириш осон,
 Лекин ишқни кексаликка
 қолдирмоқ гуноҳ!

122

Ҳамма сулувларни ҳам
 пари деб билманг,
 Чин дўстни ўзингиздан
 нари деб билманг.
 Ақлли бош ардоқли,
 гап ёшда эмас,
 Сочи оппоқ кўринса,
 қари деб билманг!

123

Безбетлик — бу замон даҳшати,
 Ожизликдан умрлар мубҳам.
 Ҳалолликда — инсон қудрати,
 Ростгўйликка муҳтождир олам!

124

Шундоқ кечди унинг ҳаётини йўли,
 Ўзгалар ақлининг бўлди у қули.
 Ўзлигин шунчалар унутди, бугун
 Бўйинбоғ боғлашга келмайди қўли.

125

У ҳаёт эканда олган қарзига,
 Узай, деб дўст ўлгач, берди таъзия.
 Эл кўрсин деб ўзин тўкди ёлғон ёш,
 Элга — маҳаллага тортди катта ош!

126

Суст ёнарди чироқ, пилиги хира,
 Кўтардик ўзимиз сал пилигини.

Бўлмас энди уни ўчириб сира,
Ажаб, билармикин у кимлигини!

127

Саҳнада янграса чилдирма саси,
Раққос, раққосалар айлашар хиром.
Бироқ, ҳаётнинг бор ўз чилдирмаси,
Сўрамай рақсига туширар мудом!

128

Учрашганда кўришади қўл учида,
Сўзи совуқ, меҳри сохта — тил учида.
Эй, Табиат, тантилигинг қайда қолди?
Сассиқ алаф ўсар ҳамон гул ичида!

129

«Совуғим зўр, музлатаман еру кўкни!»—
Мақтанади, чиранади қаҳратон қиш.
Аммо, қизиқ, англаб бўлмас жўн бир ишни:
«Баҳоримиз қиш қўйнида бошлаган иш!»

130

Найнинг вазифаси биров ўзгарди,
Оҳанг таратишдан зерикди най ҳам.
Пуфлаб шиширмоқда кўпларни энди,
Найдай пуфланишга кўникди одам!

131

Баджаҳлнинг ғазабидан қўрқ,
Зор қақшатган асабидан қўрқ.
Бу ҳаётда иллат — баҳона,
Бекорчининг сабабидан қўрқ!

132

Кимдир кимни емиради,
Кимдир кимни кемиради.
Бу ўртада аллакимдир,
Даллол бўлиб семиради.

Сен бировнинг изидан юрдинг,
 Сен бировнинг сўзидан юрдинг.
 Йўқдир ўзинг солган йўл, сўқмоқ,
 Сабаби — бировлар азмидан юрдинг!

Кимга фирибгарлик, қаллоблик керак,
 Кимга молпарастлик, даллоллик керак.
 Ҳақ йўлни танладим, виждоним кафил,
 Менга покизалик, ҳалоллик керак!

Қасб кўпдир дунёда,
 ҳунарлар ҳам бор бисёр,
 Олиб кетмас ҳеч бир ким
 у дунёга ҳунарни.
 Қосибнинг ризқи бутун,
 ҳунармандга ёр ёдгор,
 Бировга гул ярашар,
 ўйнар биров ханжарни!

Ҳаёт абадийдир, қуёш ҳеч сўнмас,
 Савоб, хайрли иш — инсон муроди.
 Мардлик мангуликдир, халқ — буюк ўлмас,
 Яшайди хотирда яхшилар ёди!

Кимдир қўлга бол тутар,
 кимдир оғу ичирар,
 Кимдир гуноҳ айлайди,
 кимдир уни кечирар.
 Ҳаёт тарзи рангоранг,
 ақл бовар қилмагай,
 Кимдир олов ёқади,
 кимдир ўтни ўчирар!

Оддийлик — одиллик, оқибат, омад,
 Диёнат — давлату даҳолик демак.

Адолат — армондир, ажримдир абад,
Муҳаббат — мангулик, мурувват, малак!

139

Асабни ғазаб бузар,
Юракни асаб бузар.
Чопманг амал ортидан,
Одамни мансаб бузар!

140

Дунё иши отчопар экан,
Омад пойлаб, кўп кутар экан.
Олғирлар бор, бор хокисорлар,
Ким йўқотиб, ким топар экан!

141

Инсон кетса инсондан,
Ўт тушди, денг, имонга.
Умидин узсин хандон,
Кул-кул айлар аланга!

142

Не ўтса ҳам ўзимдан ўтди,
Яхши билар ёлғиз юрагим.
Жуда кечдир сўнгги пушаймон,
Ташлай десам етмас тирсагим!

143

Ҳаёт ҳаёт эмасдир —
бир тирик жон бўлмаса,
Ул инсон инсон эмас —
юрак, виждон бўлмаса.
Диёнату имонга
таянади чин дунё,
Одам эмас, ул ҳайвон,—
дилда имон бўлмаса!

144

Қуёш қандай қуёшқин —
нур, зиёсин йўқотса,

Ошиқ ошиқ бўлурму
ишқ дунёсин йўқотса.
Ишқ тумори — муқаддас,
кўзмунчоқдай асрангиз,
Тоҳир Тоҳир аталмас
ўз Зухросин йўқотса!

145

Бозорнинг қозони қайнаб туради,
Ризқ-рўз улашади умидвор олам.
Табиат ўз амри билан юради,
Ҳатто жой танлайди бугун бозор ҳам.

146

Бу ҳаётда не нарса бор —
номи билан атайлик
Ва виждонан баҳолайлик
ўз шаънига мувофиқ.
Яхшиларга эргашайлик,
ёмон йўлдан қайтайлик
Разилларни разил дейлик,
мунофиқни мунофиқ!

147

Қим топтаса марҳумлар қабрин,
Пок рўҳини этса безовта,—
Тирик ғайтда ўзидан кўрсин,
Бошин кутар қилич, тиг, болта!

148

Қимларга у ёруғ дунё,
кимлар учун бир зиндон,
Қимларга у телба дунё,
кимга асосли дунё.
Қимларга у тўй-томоша,
кимлар учун гўристон,
Бордир боқий сарҳисоби,
аммо қасосли дунё!

149

Ҳаётда гоҳ одам панд еб ҳам қолар,
Ўзи айтиб, ўзи қайт деб ҳам қолар.

Бу дунё шунчалар мураккаб, кимдир
Туфлаган туфигин қайтариб олар!

150

Синай десанг одам зотин чин,
(Ким учун бу умрин мазмуни!)
Мансабга ё чиққанда кўргин,
Ё амалдан тушганда уни!

151

Боласинмас, ўйласа ўзин,
Боласига тутмаса кўксин,
Гар дилбанди чиқса бемеҳр,
Бундай она ўзидан кўрсин!

152

Оппоқ қўл рўмолин чўнтакдан олиб,
Оёғим чангини артган ҳам — ўзи.
Амалдан кетган сўнг, тарк этиб илк бор
Остонам ҳатламай, қайтган ҳам — ўзи!

153

Чин инсонни йўқотма,
Аҳд-паймонни йўқотма.
Топилади мол-дунё,
Дўст-ёронни йўқотма!

154

Қўли совуқ бўлса, сесканма ундан,
Қалбин ҳарорати кўчмабди ҳали.
Мабодо муз бўлса юзи, ёноғи,
Демак, муз юракдан кечмабди ҳали?

155

Юракни соатга қилурлар қиёс,
Ҳа, қалбга, соатга — ҳаракат асос.
Гар соат тўхтаса, юргизиш осон,
Лекин қалб тўхтаса, юргизиш бўлмас!

Унг оёқдан бошланар юриш,
 Сўли мудом эргашар унга.
 Гар қадамлар қийшайса борми,
 Хушёр юрак бошлайди йўлга!

Ҳар кимнинг ҳам ўз йўли бордир,
 Мен йўлингга бўлмайман тўсиқ.
 Сўқмоқ йўллар мен учун тордир,
 Ишқим қўшиб куйлайман қўшиқ!

Узин ўйлаб ташласа қадам,
 Ўзбилармон бўлса гар одам,
 Охири вой, оқибат вайрон.
 Оҳ, кеч бўлур сўнгги пушаймон!

Яхши ният билан чиқибсан йўлга,
 Сафаринг беҳатар бўлсин, йўловчи!
 Омон-эсон етиб азиз манзилга,
 Қучоғинг гулларга тўлсин, йўловчи!

Ҳақиқатга таянар бизлар кўрган бу дунё,
 Тинчлик, омонлик учун жар соламиз жаҳонга.
 Муҳаббатга таянар бизлар кўрган бу дунё,
 Ҳаётга ҳайкал эрур умри боқий инсонга!

Ким етмаса томчи қадрига,
 Ўз қўлини йўқотибди, денг!
 Дош бермаса ҳаёт зарбига,
 Ўз қалбига ўқ отибди, денг!

Ҳайвондан одамни фарқлар тил-забон,
 Тил билан инсон-у, ҳайвондир ҳайвон. >

Ақлин ўғирлама, тилдан ажратма,
Тил дилга тилмочдир, доно таржимон!

163

Пойдеворсиз қулайди бино,
Иморатга устунлар тиргак.
Ҳаётингда ярайди ошно,—
Инсон учун содиқ дўст керак!

164

Ҳаёт ҳаёт, дунё дунёмас,
Гар бўлмаса таянч, суянчиқ.
Сенда бўлса чўққига ҳавас,
Елка тутар дўстинг, суюн, чиқ!

165

Ҳақиқат, деб эгилмас бошим,
Битта айбим — тўғри сўзлим!
Ёғдир, майли, хусумат тошин.
Битта айбим — қора кўзлим!

166

Бу оддий ҳақиқат оламга аён,
Ишониб яшайлик қудрат-кучига:
Савоб билан тирик бу икки инсон,
Шу боис ўлим йўқ элчи, совчига!

167

Ҳар элнинг бир диёри бордир,
Ҳар йилнинг бир баҳори бордир,
Севги билан гўзал ҳар инсон,
Ҳар дилнинг бир дилдори бордир!

168

Ишинг тушса кимларга,
Кимлар сендан қочади.
Содиқ бўлса яхши дўст,—
Қалбин катта очади!

Ўзингни кўп ташлама ўтга,
Еш чавандоз, бунга сен ишон.
Мина билмоқ керакдир отга,
Алмаштириш эмасдир осон!

170

Аёл қўли кўтарилмасин
Зинҳор, зинҳор азиз эркакка.
Тиригида олар қасосин,
Улса,
турар гўрида тикка!

171

Бўлсанг инсон, ўзингга ишон,
Имон бўлса, ишониб яша!
Чалғитса ҳам йўлингдан шайтон,
Умид билан, қалб, ёниб яша!

172

«Бўш турмайди муқаддас ўрин»,
Ақида бор қадимдан шундоқ.
Улуғларнинг гапи бўлса чин,
Эгасига буюрсин бироқ!

173

Эркин нафас олайлик ҳар чоқ,
Чидаш берар ким ҳам тутунга.
Ўз ўзидан ёнмайди ўчоқ,
Оҳ, кўп нарса боғлиқ ўтинга!

174

Аждодларин кимки руҳин
 билар экан пок,
Хотирасин авлодларга
 хатлаб кетади.
Ким оқпадар, кимки нонкўр,
 бўлса гар нопок,
Ота, она қабридан ҳам
 хатлаб ўтади!

Марҳумларга кимки отса тўп,
 Йўқ-ку дея айбловчи гувоҳ.
 Қутилолмас қочган билан кўп,
 Жазолайди барибир гуноҳ!

176

Ҳақиқатдан бўлингиз огоҳ,
 Тирикларга ўликлар ҳамроҳ:
 Шарпадай у шерик умрга,
 Кириб борар ҳатто қабрга!

177

Қора кўз намланса,
 кўнглим ўртанар,
 Қорачиқ бағримни
 чақмоқ этди, денг.
 Гавҳари кўз ёш-ла
 сел бўлса агар,
 Мени ҳам у билан
 оқиб кетди, денг!

178

Гулнинг кўз ёшини шабнамдан сўранг,
 Қуёш оташини оламдан сўранг.
 Йўлида мўлтираб яшайди ошиқ,
 Муҳаббат ёшини санамдан сўранг!

179

Тақдирларни йўллар боғласин,
 Кўнгилларни қўллар боғласин.
 Қўллар, йўллар туташ юраклар,
 Юракларни диллар боғласин!

180

Сочларимнинг оқлигига
 шаъма қилди бир зебо!
 (Зарари йўқ эслаб турмоқ
 бошдан кечган-ўтгани!).
 — Бошингиздан онангиз

элаганми унни ё,
Нима бало, отангиз
тегирмончи ўтганми?

181

Аччиқ нарса тегади жонга,
Яшаш учун асал ҳам керак!
Қорин лозим, тўғри, инсонга
Қўшиқ билан ғазал ҳам керак!

182

Оддий, тилсиз тош эди
асли турган жойида,
Сангтарошнинг ақлидан
бўлди кўркам, жонли тош.
Тилло бошга отилди
улкан тоғнинг пойида,—
Қотилнинг қўли тегди.
Қаранг, бугун қонли тош!

183

Бор эканки қалбим ичра ҳарорат,
Сен қолурсан юрагимда — чўғимда.
Сўнмас мангу ўтсан, оташ муҳаббат,
Нурдан чақнаб нигоҳим — қароғимда.

184

Ўзингизни енгил тутасиз шу зум,
Дўстлар, кулиб боқинг бир-бирингизга.
Хонман, бекман, дея ўзимга ўзим,
Завол бўла кўрманг берган умрга!

185

Ким ҳавас қилади, ахир, кўлмакка,
Кўпикнинг аҳволи дарёда аён.
Оро йўлда қолмас чиққан йўлакка,
Манзилга талпинар умидли инсон!

186

Шоир ўрнин шоир босармиш, устоз,
Тарихчи ўрнини одил тарихчи.

Хаттотлар бир умр кўчирар баёз,
Қани доно мирзо, асл таҳрирчи?!

187

Яхши бўлиб қолсин яхшилар,
Яхшиларнинг ниятлари соф.
Ёвузларга берсин диёнат,
Ёмонларга тилайман инсоф!

188

Яхшиямки ҳаёт ташвишлари бор,
Кувонч дамларини кутиб яшайман.
Фироқдан ҳеч ошиқ бўлмас умидвор,
Висол китобини битиб яшайман!

189

Бир қарашда ишқим чўғ бўлди,
Танишганда роса кулдирдинг.
Ишқ ўтидан юрак йўқ бўлди,
Севган сари мени кўйдирдинг!

190

Камтарлик, яхшилик, гўзаллик
Ҳаётда улуғлар инсонни.
Дунёни қутқарар эзгулик,
Муҳаббат асрайди жаҳонни!

191

Угит қилар менга онам:
«Одам тафтин олар одам!
Ҳожатбарор, дардкаш бўл,
Яхшиларга эргаш мудом!»

192

Муҳаббатга керак вафодор юрак,
Севги тан олмайди ҳеч нимжон жонни,
Ишққа ҳайкал қўйинг, бу, умр, демак,
Севги танламайди Макон, Замонни!

Она зоти эрур энг буюк инсон,
 Фарзанди — дилбанди, кўзин қароғи!
 Она кўкси билан тирикдир жаҳон.
 Фарзанддир ҳаётда умр чароғи!

Дономан, деб, уринма,
 нодонлигинг билингай,
 Ошноман, деб, лоф урма,
 шайтонлигинг билингай.
 Ниқоб тортиб юзингга,
 яширсанг ҳам, бир куни,
 Одамман, деб, чиранма,
 ҳайвонлигинг билингай!

Чин инсонда бор зўр бардош, куч,
 Яралганмиш курашиб башар!
 Бўронларга минг бор келиб дуч,
 Бўронлар-ла олишиб яшар!

Икки нарса яшар ёнма-ён,
 Иккисига бу олам гувоҳ:
 Нима керак савобми, гуноҳ?
 Керапини танлаб ол, инсон!

Савобли иш — яйратар жонни,
 Яхшиликка талпинар олам.
 Гуноҳли иш — булғар виждонни,
 Ёмонликдан қочади одам!

Кимдир ер талашди, талашди дунё,
 Талаша-талаша қабрга кирди — у.
 Кимдир нур улашди, улашди зиё,
 Улаша-улаша қалбга кирди — у!

Тарихни сотдилар талашиб мерос,
 Ҳзлигин унутиб, тилни сотдилар.
 Бобо қуёшдан ҳам олдилар қасос,
 Танитай Ватанни, элни сотдилар!

200

Кулмаса толе қуёши,
 мангу шўр пешона ҳам,
 Ёнмаса ёр бўйнида,
 оддий тош дурдона ҳам.
 Ким қадрли, ким азиз
 бу ҳаётда, айтингиз?
 Қўймаса меҳмон қадам,
 йиғлар эмиш остона ҳам!

201

Хотирани ўйлай-ўйлай сурманг хаёл,
 Олиб қочар хаёл қургур кексаликка.
 Келажак деб ўтса умр пок ва ҳалол,
 Етаклайди Умид бизни юксакликка!

202

Қуёш боқий, яшайди энё,
 Она юртим қуёшли ўлка,
 Ким ҳуснига чапласа сиёҳ,—
 У ҳаётда қора кўланка!

203

Қуёш кулар томчи кўксида,
 Гўзал ўлкам, ям-яшил олам.
 Гул баргида, майса юзида,
 Тонгни қутлаб, милтирар шабнам!

204

Ниҳол ер танлайди, кўчат ҳам ерни,
 Бери-биридан ҳеч этмайлик жудо.
 Кўчирмайлик ҳа деб ердан ниҳолни,
 Дарахт ҳам бир жойда кўқарар, ошно!

Ток асло қаримас, илдизи терак,—
Томири Ер билан туташ, ҳамнафас.
Умр навқирондир Муҳаббат билан,
Ишқли қалб ҳеч қачон кексалик билмас!

Кўнгил билан кўнгил тирик,
Ёмғир билан ер кўқарар!
Дилга, йўлга ишқдир кўприк,
От тепкисин от кўтарар! _

Минг шукурким, қайтиб келди
Тилимизга ўз сўзимиз!
Ҳақиқатни айтиб келди
Элимизга Наврўзимиз!

Қуни кеча отган эдик тош
Наврўзимиз, тарихимизга.
Кўтаролмай қолдик бугун бош,
Тўпдай қайтди ўз бағримизга!

Қим бировга қазиса чоҳ,
Унга ўзин кўзи тушади.
Қолмас у ҳам омон-соғ,
Ўша чоҳга ўзи тушади!

Жонга туташ, ҳар бир тўқима,
Дономан, деб ёлғон тўқима.
Бўлсанг агар моҳир ҳунарманд,
Ол, қуёшни, матоҳ тўқи, ма!

Авжи палла далада терим,
У — меҳнатим, пешона терим.

Шерик бўлиб ҳалол ризқимга,
Текинхўрлар шилолмас терим!

212

Шоирга тош отди қай бир гуруҳлар,
Хусумат тошлари дуч келди тўпга.
Қафтига кўтарди ўз ўғлин руҳлар,
Қун қолмади зинҳор қора булутга!

213

Қовун қовун асли уруғи билан,
Юрт ўзин отаси — улуғи билан!
Ёвузлар, ёт кучлар беллаша олмас,
Инсон яшар қуёш — пок руҳи билан!

214

Исми, жисми бошқа бошқа бўлса ҳам,
Она кўнгли, она қалби биттадир!
Дунёда у зоти олий, муҳаррам,
Фарзанд билан юрак зарби биттадир!

215

Қимдир Наврўз учун бичганди кафан,
Қўммоққа қасд этиб, зап тушиб терга.
Қаҳрга учради ўша беватан,
Бекафан қулади ўзи чоҳ — ерга!

216

Қимки яхши, нияти холис,
Ул одамнинг йўғи бор бўлгай.
Қимки нокас, бўлса гар ёвуз,
Бу дунёда мудом хор бўлгай!

217

Кеча-кеча яхшиларни
кўмган эдик кафансиз,
Бугун эса тополмаймиз
излаб-излаб қабрини.
Борлигида ҳаргиз етмай
ул донолар қадрини,

Ҳароратга исиниб,
ҳарорат, деб ёнурлар!

224

Ўғрини тўғри деманг,
тўғри хафа бўлади,
Тўғрини ўғри деманг,
ўғри хафа бўлади.
Иккаласи бир кунда
туғилгандир аслида,
Бир-бирларин кўролмас,
Шундай куйиб ўлади!

225

Ҳаётда у эмасдир худбин,
Зеболикда ўзидир танҳо.
Рашки билан асрайди ишқин,
Муҳаббатда ишқпараст аммо!

226

Ачиган қатик, деб, воз кечманг, ошнам,
Инсонга ҳаётбахш зардоби бордир.
Ишқ васли юракка бир умр малҳам,
Ишқ дардин азалдан азоби бордир!

227

Сев бевафо ошиқлардан қоч,
Остонасиз эшиклардан қоч.
Маддоҳлар кўп, билсанг, дунёда,
Кўп гапирган нотиқлардан қоч!

228

Дўстим, айтар дардларим кўпдир,
Айтилмаган гапларим кўпдир.
Саҳифасин бир-бир варақла,
Уқилмаган дафтарим кўпдир!

229

Муҳаббат дарёсин қўшдир қирғоғи,
Бир ёни лиқ тўла айрилиқ, ҳижрон.

Бир ёнда ёниқдир севги чироғи,
Висол оғушида яйрар ошиқ жон!

230

Ҳақиқатни ҳикоят қилдим:
Кечирилмас жиноят қилдим.
Эй, муҳаббат, бер одил жазо,
Уз ишқимга хиёнат қилдим!

231

Ёр, айлама нозу карашма,
Қалбдан суюб қолишинг мумкин!
Севги — олов, билмай ўйнашма,
Утда куйиб қолишинг мумкин!

232

Уйламасдан деманг ҳеч қачон:
«Дўстлик бошқа, муҳаббат бошқа!»
Иккисига таянар жаҳон
Ва кийгазар олтин тож бошга!

233

Аста-секин сиз, ёрга,
 кўнгил қўйдим мен чиндан,
Шунчалар боғландимки —
 меҳрим ошди кун-кундан.
Билмайин кириб қолдим,
 ишқ атрідан сархушман,
Ишқ кўчаси тор экан,
 чиқолмай қолдим ундан!

234

Талпиниб яшайман ишққа, имонга,
Кўнгилнинг эгаси ҳамиша тайин.
У зинҳор бўйсунмас буйруқ, фармонга,
Кўнгилга бўлолмас ҳеч ким хўжайин!

235

Севги айламиш сарсон,
 тугунни ечолмайман,

Тилинг учида тутган
оғуни ичолмайман.
Эркама, ишон, ишонма,
ишқингда жоним бўзлар,
Кўнгил ипсиз боғланмиш,
мен сендан кечолмайман!

236

Ишқ кўчкини изсиз кетмагай,
Дил кафтари олис кетмагай.
Дарди бордир ошиқ юракнинг,
Ишқ қўшиғин бежиз битмагай!

237

Муҳаббат нима ўзи?—
ким учун бор, йўқдир-у,
Бошидан ўтказганга
сўнмас олов, чўғдир-у!
Меҳру вафо, садоқат
тарк этмасин ҳеч кимни,
Менинг учун ишқ, севги —
қўлда ялов, туғдир-у!

238

Мен — Инсонман, мен — жаҳонман, асрман.
Уз халқимга фидойиман, асирман.
Мен — қуёшман, мен — юлдузман, башарман,
Қалбингизда қуёш бўлиб яшарман!

239

Шоирга ярашмас таъзиқ ва таъқиб
Исён қалби билан тирикдир бироқ.
У — халқин овози, халқин кўзидир.
Юрагин амрига тутажақ қулоқ!

240

Асл зотни саломидан кашф этдим,
Чин инсонни каломидан кашф этдим.
Эзгуликни эъзозлагум бир умр,
Ижод аҳлин илҳомидан кашф этдим.

Ҳаёт борки — инқироzi, камолоти бор
 Юрак борки — нооромлик, ҳаловати бор.
 Шоир қалби яхшиликнинг элчиси,
 Яхшилар бор — дилнинг дилга кафолати бор!

242

Нури, зиёси — кўзларга бойлик,
 Меҳригиёси — юзларга бойлик
 Номуси билан барҳаёт инсон,
 Ҳусни, ҳаёси — қизларга бойлик!

243

Бўшлиқ борки — ўрнини тўлдириш мумкин.
 Ичи бўш кўзадай ўтма муҳаққақ.
 Чархифалакка ҳам чидайман лекин,
 Осилиб қолмасам бўлди муаллақ!

244

Қалбим, толу терак бўлма,
 Сен — тош бўлма, кесак бўлма.
 Сен — кераксан, сен — тиргаксан,
 Ҳаётимсан, юраксан!

245

Вақт ўтади, фурсат ўтади,
 Еш ўтади, улфат ўтади.
 Тўхтаб қолмас ҳаёт бор жойда,
 Кун кулади, кулфат ўтади!

246

Қайноқ қалбдан ҳис қилади,
 Шўр тупроқдан туз қолади.
 Ҳаёт кетмас бенишона,
 Чин инсондан из қолади!

247

Ошиқ борки, вафосиз бўлмас,
 Севги борки, жафосиз бўлмас.

Иш бор жойда, югуқ, нуқсон бор,
Одам борки, хатосиз бўлмас!

248

Ҳар одамнинг насибаси бор,
Хизмати бор, вазифаси бор.
Бу ҳаётда нелар юз бўлмас,
Иссиқ нон бор — иситмаси бор!

249

Ҳаёт гули, чароғи — фарзанд,
Кўз гавҳари, қароғи — фарзанд.
Уғил-қиз бор — эл тинч, юрт обод,
Оиланинг байроғи — фарзанд!

250

Кўзим учса, ўпиб қўяман,
Ўз кўзимни шундай суяман.
Суюқлигим, балки кўзимдир,
Кўзим эса, балким, ўзимдир!

251

Сурат асли — жонсиз нарсадир,
У — бир тарих, хизмати молик.
Инсон учун бебаҳо, нодир,
Умримиздан жонли эсдалик!

252

Суворининг қўли баланд — самани билан,
Булбул тирик ошени — чамани билан.
Томири бор, ерга туташ гиёҳ, дарахтнинг
Инсон умри қадрлидир Ватани билан!

253

Эътиқодли бўлсанг агар, имонни сев,
Диёнатли бўлсанг агар, виждонни сев.
Инсон бир бор туғилади инсон учун,
Инсони сев, инсонни сев, инсонни сев!

Ошиқ бўлиб саралаган ким дема,
Даричамдан мўралаган ким дема.
Оқ қоғозни қораламоқ осонмас,
Ошиқ кўнглим яралаган ким дема!

Қайдаки бор ғийбат, адоват
Йўқолгуси ором, ҳаловат.
Ҳақиқатдир ҳаёт отаси,
Адоватни енгар Адолат!

— инсонликка нима иснод оламда!
— лоқайдликдан бошқа қандай даҳшат бор,
— инсон кўнглини боғ айлаган сеҳр-чи?
— эътибордир, эътибордир, эътибор!

Кимларгадир молу мулк,
туганмас давлат керак,
Кимларгадир ном, обрў,
шон керак, шуҳрат керак.
Бегона илтифотни
рад айлайди юрагим,
Менга ёруғ оламда
меҳру шафоат керак!

Осмоннинг кенглигини —
учқунидан синаб кўр,
Қуёш ҳароратини —
кун чўғидан синаб кўр.
Ҳаётга шайдойилик —
севги билан ўлчанар,
Юрак муҳаббатини —
қўшиғидан синаб кўр!

«Беш нарсадан ўзингни тий,—
гуноҳ, дер, доно,—

Қон тўкмоқлик, майпарастилик,
сақламоқ кек — ўч,
Зўравонлик, ҳаром-хариш —
ҳаётда бало.
Бу балога чалинганнинг
умри қуруқ, пуч».

260

Нону тузингга шукур қил, шукур,
Ризқу рўзингга шукур қил, шукур!
Ерга таъзим қил, элга таъзим қил,
Содиқ дўстингга шукур қил, шукур!

261

Меҳр-вафоли даргоҳ танла,
Содиқ бўлсанг, гувоҳ танла,
Манзил яқин, муродли бўл,
Йўл юрганда ҳамроҳ танла!

262

Қўнғил билар, сотилмайди меҳр,
Беҳудага отилмайди шер.
Ҳар бир қўшиқ — шоир тақдири,
Эсдаликка битилмайди шеър!

263

Кемиради инсон умрини ҳасад, дерлар,
Яхшиларга ихлос қўймоқ одат, дерлар.
Далда бериб, кимдир кимга суянади,
«Ҳайт» деган ҳам туя учун мадад, дерлар!

264

Ҳаёт нопок изни тан олмас,
Надомат, афсусни тан олмас.
Умр тарзи вақтдир, фурсатдир,
Илҳом танаффусни тан олмас!

265

Мерган учун осонмас
аниқ тушиш нишонга,

Не-не машаққат билан
чиқилади довонга.
Чўққини манзил билиб,
унга талпинар одам,
Чўққида мангу қолиш
насиб этмас инсонга!

266

Фасл қишу ёздан иборат эмас,
Вужуд қошу кўздан иборат эмас.
Барчани баробар кўрмоқ фарзу қарз,
Ҳаёт имтиёздан иборат эмас! ʘ

267

Ошиқ бахтли — дийдори билан,
Ҳаёт тотли — дилдори билан.
Гулсиз, нурсиз умр умрми,
Инсон азиз диёри билан!

268

Оғир дард бор — жароҳати қолади,
Ҳар миннатнинг надомати қолади.
Инсон кўнгли гулдан нозик эзмангиз,
Гар оғринса — асорати қолади!

269

Олмос ёнар, кўз ёндирган
ўт жироси қайдадир?
Ошиқ аҳлин сардафтарни
ўз имлоси қайдадир?
Айбладингиз «бевафо» деб,
мен бегуноҳ бандани,
Айтинг, қани, вафодорнинг
чин вафоси қайдадир?

270

Ҳусним бор деб касод айлама,
Ориятинг иснод айлама.
Ўткинчидир неки нарса бор,
Номусингни барбод айлама! ʘ

Кўриб кучин билагию юрагида,
 Кўтардилар уни бошга тиригида.
 Фурсат битиб, кўз юмаркан ўша инсон,
 Бўлмадилар на дафнию ўлигида!

Ҳасад билан, эгилсин деб,
 мағрур бошлар,
 Бошлар узра ирғитдилар
 ўйнаб тошлар.
 Инсон умрин, юрак қадрин
 билмагандан
 Чиқмай туриб, ботиб кетди
 кўп қуёшлар!

Номард билан дастурхонда ўтирма,
 Нопок бўлиб, ҳалолликдан гапирма.
 Тўлқин урса не кечишин бил, ошно,
 Кўпикман деб, сен дарёда кўпирма!

Токи барҳаёт инсон,
 ҳурматин бажо айланг,
 Садоқатлар кўрсатиб,
 чин дўстга вафо айланг.
 Бир келару бир кетар,
 буюклар, азиз бошлар,
 Уларни қайтаролмас
 тиловату кўз ёшлар!

Сизга оқ йўл, сафарингиз
 беҳатар бўлсин.
 Фанимларга қўлингизда
 «бешотар» бўлсин.
 Манзил яқин, мурод ҳосил
 бўлсин, яхшилар
 Васли-висол они мудом
 тонг отар бўлсин!

Мен учқунга ишонаман,
 Ундан чиқар чўғ, аланган.
 Алангада мен ёнаман,
 Бурчдор бўлиб ҳар Ватан!

Кайфиятдан бошланар ҳаёт,
 Умрларга улайди умр.
 Улуғлайман сени, кайфият
 Ва айтаман қалбан ташаккур!

Умид боғла куртакка,
 Ҳаёт ишқи устунроқ.
 Бўй чўзар мағрур кўкка,
 Илдизин ўпар тупроқ!

Бугун ҳаво иссиқ, эртага совуқ,
 Бугун булутлидир, эртага очиқ.
 Табиат қонуни азалий жумбоқ,
 Бу жумбоқ асрорин билади борлиқ!

Қалб безовта, бордир сабаби,
 Ларзага келтирар кўкракка забти.
 Симоб устунидир дунё асаби,—
 Ҳаёт ташвишидан қалқиб туради!

Инсон зоти бир умр кузатар тақдирини,
 Ҳаёт ўзи Бош мирзо киритар таҳририни.
 Нокерагин ўчириб, айлар ненидир ислоҳ,
 Яшай учун қолдирар ўзи-чун зарурини.

Бирор илдиз кўчмасин
 Она-Ер тупроғидан.

Дарахт ҳоли не кечгай
ажралса япроғидан.
Тонгни, бизни уйғосин
майли, гўдак йиғиси,
Худо асрасин бизни
қобил фарзанд доғидан!

283

Иш бор жойда бўлади хато,
Хом сут эмган бандамиз — инсон.
Ойда ҳам бор, дерлар, доғ ҳатто,
Ҳамон Ойни ардоқлар осмон!

284

Лойқаланиб оқса оқар сув,
Тиниқлашар бугун, ё эрта.
Ойдинлашар неки бор шов-шув,
Олтин, ахир, зангларми ерда?!

285

Ким учун тузоқ керак,
ким учун қопқон,
Ким учун сиртмоқ керак,
ким учун зиндон.
Ҳаёт ва ўлим жангги
абадий бироқ,
Мен — Инсонман, эрк керак,
ва керак катта майдон!

286

Қуёш учун қадрлидир зиё,
Севгимизда қалбада оташ, чўғ.
Муҳаббатсиз — зимистон дунё,
Муҳаббатсиз — ширин ҳаёт йўқ!

287

Ҳаётнинг негизи — одил ҳақиқат,
Ҳақиқатнинг умридир мангу.
Тўғрилиқни тан олар фақат,
Ҳалолликка таянадир — у! .

- Тилнинг калити нима?
- Саломдир, салом!
- Икки дилни қўшган куч?
- Қаломдир, калом!

- Қашф этиб бўлмас жаҳон?
- Оламдир, олам!
- Энг азиз, доно инсон?
- Онамдир, онам!

Сен чўққи, довонни кўзлайсан ҳар чоқ
Олис юксакликлар — айни муддао.
Унутма матлабинг йўлида, ўртоқ,
Пойингда зиналар борлигин аммо!

Гавдам бор деб ўзингни инсон санадинг,
Аммо, дўстим, бор ҳақиқат қалбим бурдалар.
Лоқайд, ҳиссиз бор кимсалар, ким бўларди, денг.
Йўлимизда ётиб олган тирик мурдалар!

Бугун қор ёғади, эртага ёмғир,
Қўп ўтмай изғирин жонни қақшатар.
Қўкдан ерга тушсин, майли, ёмғир, қор,
Бўлмасин кўзларда ёш ҳеч шашқатор!

Яхши кунлар тонгига не етсин,
Ақлли бошлар онгига не етсин.
Юрагу ақлу курашин англаким,
Қалб ва виждон жангига не етсин!

Ушлаб туринг қўлда тор,
Бўлдим дема санъаткор.

Қалам тутган шоирмас,
Назмчи бор, шоир бор!

295

Силаб юмшоқ патини,
Сен кўрмай қанотини,
Кузатмасдан парвозини,
Атама қуш зотини!

296

Бўш қоп турмас сира ҳам тикка,
Ошиғим олчи, деб кеккайма кўкка.
Писиб отма маломат тошин,
Мард бўлсанг, кел, яккама-якка!

297

Бир ғаройиб тасодиф кўрдим,
Ёр оғзида дур, садаф кўрдим.
Чехрасида борму жодуси,
Кўзга кўзим тик қадаб кўрдим!

298

Бир ҳақиқат қалбим поралар,
Ҳаёт учун ётдир тўралар.
Тўраликка асло йўқ ҳушим,
Қалб устунни — содиқ жўралар!

299

Ёвуз калхат кўкдан йиқилгай,
Разил экан, ул зот йўқолгай.
Яхшиларга кўз олайтганнинг
Дийдасига шўр қум тиқилгай!

300

Сен изғирин, қаҳратондан чўчима,
Елка пишар саратондан чўчима.
Тухматдан қўрқ, бўҳтондан қўрқ, биродар,
Билки, булар ҳар балодан бешбаттар! _

Она тилим, каломим — «Хамса»,
 Узбеклигим саломим — «Хамса».
 Навойнинг қалби, қалами,
 Мен сиғинган илҳомим — «Хамса».

302

Умр фасллари бор ҳақиқатдир,
 Қадр китоби бор, ёднома битар!
 Дўстим, ёшлик фасли бир дақиқадир,
 Кўз очиб юмгунча ўтару кетар!

303

Сафар борки кузатиши бор,
 Кутиши бор, узатиши бор.
 Ҳаёт ўзи бенуқсон бўлмас,
 Хато борки, тузатиши бор!

304

Қорақалпоқ кўҳна элсан, оқин халқсан,
 Шарқ ақлисан, қалб нақлисан, сен — Бердақсан.
 Амударё соҳиллари жонли гувоҳ,
 Узбекларга қону жондош, яқин халқсан!

305

Табнат ҳақиқати — гулнинг муаттарлиги,
 Қуёшнинг куч-қудрати — олам мунавварлиги.
 Адоват ва адолат кураши — умр жангги,
 Муҳаббат боқийлиги — ҳаёт муқаррарлиги!

306

Ишонаман виждонга,
 Сақламас виждон сукут.
 Терс бормагай инсонга,
 Айтар гапин интиқ кут!

307

Ёмонликдан қалбим ярадир, доғлиқ,
 Ёмонларга дилим дарчаси бекик.

Яхшилар-ла бир умр ҳаётим боғлиқ,
Дўстга кўнглим очиқ мисоли эшик!

308

Ҳаётнинг бор қалтис ҳазили,
Оқимига борма тескари
Бирга оқсанг, манзилга элтар,
Қарши борсанг, бўлгинг кўпкари!

309

Ҳар нарсанинг ўз оти бордир,
Ғарибликнинг ғароти бордир.
Ҳаёт — ташвиш дегани эмас,
Ҳар азобнинг роҳати бордир!

310

Айб эмасдир асли ошиқлик,
Севги бошқа, хушторлик бошқа.
Соф муҳаббат эъзозга молик,
Ишқ ўхшагай олтин қуёшга!

311

Инсон бир бор келар дунёга,
Дунёни кўради нигоҳлар, кўзлар.
Қуёш сиёингандай нурга — зиёга,
Меҳру шафоатни асрайлик, дўстлар!

312

Кўп бор келади баҳор,
Баҳор бўлади такрор.
Умр қадрин бил, жўра,
Ҳаёт келади бир бор!

313

Чўтга солар рақамларини,
Яратар у оламларини.
Кўрмас, бироқ ёнида бир бор
Тирик, яхши одамларини!

Дўстим, ўй суради, ишда хаёли,
 Меҳнат билан келди ҳаёт камоли.
 Инсонлик — боқийдир, мансаб — ўткинчи,
 Азал бевафодир амал столи!

Бугун лабда кулги, эрта кўзда нам,
 Гоҳ шодмиз, бахтлимиз, гоҳо кутар ғам.
 Ойнинг ярми ёруғ, ярми қоронғи,
 Ҳа, шундай қурилган ҳаёт ва олам!

Томга кўтарилиш — ўзидир душвор,
 Зинага билиб чиқ, унутма зинҳор.
 Ҳаёт ҳам мисоли шотндай бир гап,
 Томга чиқилдими — тушиши ҳам бор!

Умр мангу курашли ҳаёт,
 Қим қолади, кимдир ўзади.
 Товлай олмас бирор кас бўйини,
 Қим ютади, ким ютқазади!

Умидларинг бўлсин қўш қанот,
 Тонгдай балқар пайт келиб висол.
 Олдиндадир энг гўзал ҳаёт,
 Олдиндадир ёруғ истиқбол!

Салом-алиги биландир,
 Бино-тираги биландир,
 Ҳаёт мангу, барқарор, бил,
 Инсон — юраги биландир!

Бордир менга таниш бир нусха,
 Эзгу ишни олмайди эсга.

Ўзи бўлса, ўзи на даркор,
Ул яшаса, бошқа қон қусса!

321

Кимга латиф латофат даркор,
Кимга ҳузур-ҳаловат даркор.
Шафоату меҳр қайдадир,
Инсон учун мурувват даркор!

322

Отилиб туради милтиқдан ўқлар,
Гоҳ тегар нишонга, гоҳ беиз кетар.
Ўққа ҳам чап бергич кимсалар йўқмас,
Фақат мард инсонлар ўз кўксин тутар!

323

Баъзилар қўйишар хинога бино,
Тўғри, қўл безаги — азалий хино.
Мансаб ҳам мисоли хинодай бир гап,
Ювганда сув билан кетади аммо!

324

Гуллаш борки, сўлмоқлик ҳам бор,
Туғилиш бор, ўлмоқлик ҳам бор.
Зиддиятдан иборат ҳаёт:
Йиғлаш борки, кулмоқлик ҳам бор!

325

Кимдир юрар оёқ учида,
Енг ичида сақлайди ханжар.
Тил учида ким сўрашса, қоч,
Тил учида ташийди заҳар!

326

Уйқу келса, кўз юмилар,
Инсон кетса, дил кўмилар.
Бепарвомиз биз дунёда,
Қўл чўзмасдан вақт имиллар!

Ёмон одам оғзидан оғу сочиб келади,
 Нонни тишлаб, туз ялаб, қасам ичиб келади.
 Яхшилар — бир қуёшдир, нур қуважак сояни,
 Яхши дўст бағрин ёзиб, қучоқ очиб келади!

Бир вақтлари баланд эди ҳавасинг,
 Насиб этди сенга мансаб, лавозим.
 Мартабанинг тоши шунча оғирми,
 Босди чоғи, чиқмай қолди овозинг!

Қуёш ҳаққи зиёларга сиғингайман,
 Ҳаёт ҳаққи — дарёларга сиғингайман.
 Мен туғилдим, камол топдим она-Ерда,
 Бу кун ҳаққи — саҳроларга сиғингайман!

Кимдир сенга берса гар салом,
 Иззат-икром рамзи, деб билгин.
 Ҳеч алиқсиз қолдирма, ошнам,
 Қалбнинг қалбга қарзи, деб билгин!

Қирди кўзим қорасига, қара маржон,
 Тақинчоқлар шодасида сара маржон.
 Рози эдим бўйгинамга гар чирмашиб,
 Қора илон бўлиб бўғса, қора маржон!

У яшади кимга ёқмай, кимга ёқиб,
 Кун ўтказди кимга чақиб, ёлгон тўқиб.
 Бугун эса у ҳеч киммас тирик мурда,
 Умри ўтар бу дунёдан писта чақиб!

Нусхаларни кўчиришга уста—у,
 Шу йўл билан ном орттирди «нусхакаш»,

У— бегона, у бировдир, шахси — шу,
Юрагимни бу ҳақиқат айлар ғаш!

334

Қозонни қайнатиш, уйни иситмоқ —
Ҳаётда азалдан ўт-оташ иши.
Ёнғинидан бизни асрасин бироқ,
Бошларга тушмасин олов ташвиши!

335

Борлик бор, йўқлик бор — бу оддий мантиқ,
Йўқлик, камбағаллик — айб эмас, бироқ.
Тўқлик бор, шўхлик бор, эҳтиёт аниқ,
Тўқлик шўхликларин ҳазили чатоқ!

336

Ҳеч бир одам дунёга иш сўраб келган эмас,
Ўзи бирлан ризқу рўзи, қонсираб келган эмас.
Бошга тушса агар бало, ширин жоним тикканман,
Жонимнимас, ишин олур, тентираб келган эмас.

337

Ҳаёт сабоқларин унутма зинҳор,
Ўн бармоқ оғизни йиртади ночор.
Тиймадинг нафсингни хумчам катта, деб,
Дерлар:— емаклик бор, қусмоқлик ҳам бор!

338

Фаслларнинг гўзалидир ҳамал боши,
Хасдан енгил, бевафодир амал тоши.
Амал тошин улоқтиргин сен бошингдан,
Дўстим, асли ҳаёт боши — тамал тоши!

339

Болаликдан тилда бор эди «ман-ман»,
Қонга кириб роса айланди манман.
Жуда енгил бўлар манманлик тоши,
Манманлик касридан кетди юз тубан!

Бир бор келар ҳаётда омад,
Бахтинг каби интизор кутгил.
Омадга сен келтирма иснод,
Севгинг каби қадрига етгин!

Туғилиш бўлсуну бўлмасин ўлим,
Иккиси олишгай, ўртада — кураш.
Ҳаёт ишқи тўссин ҳалокат йўлин,
Улим — йўқотишдир туғилиш — яшаш!

Ҳар кимнинг ҳам омади чопар,
Толе қуши бошга қўнади.
Ичи қора, бироқ, зил кетар,
Кўзни кўзлаб, чўпни йўнади.

Кўзи очиқ турса, тамшанар очкўз,
Мудом карнай айлар нафсини бироқ.
Биз билан ёнма-ён яшайди, афсус,
Очкўзнинг кўзини тўлдирар тупроқ!

«Кўл бўлар, дер, у, тома-тома»,
Ҳар нарсадан удир хомтама.
Не иш қилса айблар хўб миннат,
Соядан ҳам кутади таъма!

Айб эмасдир аммо кўрлигу карлик,
Қим учун касб, ҳунар — ўғирлик, ғарлик.
Неки кўргилик бор, қўйилар нуқта,
Ҳар бир тубанликни кутажак жарлик!

Йўллар яқин бўлар, бўлса-да олис,
Йўл юксак, гар бўлса ниятлар холис.

Минг афеус, манзилда хавфли тўсиқ бор,
Тўсар йўлимизни ҳануз ғаламис!

347

Сурувни бошқарар серка эчкилар,
Тусмолчининг ақли мудом кеч кирар.
Бу гина-қудратнинг умри бардавом,—
Бор экан ҳаётда исқирт кекчилар!

348

Инсон билан инсондир тирик,
Салом борки — яшайди алиқ.
Тил кўп, эл кўп, миллат, элат кўп,
Буюк бойлик — қуда-андалик!

349

Қимнинг қудаси бор — худоси бордир,
Қўш юракнинг акси-садоси бордир.
Фарзандлар бахтию камолотидан,
Келажакка айтар нидоси бордир!

350

Қўнгиллар чироғи чарақлаб турсин,
Оила иқболи ярақлаб турсин,
Бор товоқ — кел товоқ, ўртада синма,
Қудалар бир-бирин сўроқлаб турсин!

351

Йўловчига тил учида ўқ отиб бўлмас,
Нопок қўллар кафти узра чўғ тутиб бўлмас.
Ҳар дақиқа ғаниматдир, омонат — лаҳза,
Поезд, ахир, юриб кетса, тўхтатиб бўлмас!

352

Қўкда қуёш кулмаса, соялар бўлармиди,
Она зоти туғмаса, доялар бўлармиди.
Не ҳолат бор дунёда бир-бирига дахлдор,
Юксак тоғлар бўлмаса, қоялар бўлармиди!

Ҳаёт муҳаббатдан яралган асли,
 Боқий бўлсин азал муҳаббат умри.
 Ишқдан тарқалгандир инсонлар насли,
 Ҳавас қилар ишққа қуёшлар нури!

354

Элда кўпдир ҳикматли нақл:
 Ғазаб келса, кетади ақл!
 Жаҳл қилиб бургага асло,
 Уз кўрпангни ёқмагил, ошно!

355

Оқмадими лойқа сув,
 билки, у балчиқ бўлар,
 Кўппак бўлолмаса ит,
 қопағон қанчиқ бўлар.
 Ҳақиқат бор дунёда,
 бўлмас асло кўз юмиб,
 Мард бўлсанг, тек туриб бер,
 очиқ гап аччиқ бўлар!

356

Ҳаётда баъзилар навбат талашар,
 Навбат талашгандай талашар ўрин.
 Улим сўраб турмас ҳаётдан навбат,
 Ҳеч нима босолмас ажалнинг ўрнин!

357

Эл мулкни у кўп йиллар қилди туя,
 Қўлга тушди сўнг, юлчиғким пора, дея.
 Шоирликни даъво айлаб сурди қалам,
 Ёзганлари бўлди қуруқ пародия!

358

Ўрни билан бўлса неки бор нарса,
 Вақту соатида шириндир лаҳза.
 Эриш туюлади ёзнинг ёмғири,
 Кетади юракка ташлаб юк — ларза!

Бу дунёда ҳамма нарса омонатдир.
 Қалбга пинҳон тушган ларза омонатдир.
 Яхшилик-ла ўлчанади ҳаёт қадри,
 Умр учун ҳар бир лаҳза омонатдир!

360

Жон Ватаним, муҳаббатим, саодатим,
 Қалб элчиси — қўшиғимсан, парвозимсан.
 Юрагимда яшар дунё — саодатим,
 Истиқлолни олқишлаган овозимсан!

361

Тарозига ўшар бу ҳаёт тарзи,
 Эл нақлин ёдда тут ҳар бир паллада:
 Эҳтиёт бўл, ошнам, посангисидан,
 Яхшилик, ёмонлик икки паллада!

362

Ҳар нарсанинг бор танаффуси,
 Танаффусда ростланар нафас.
 Уткинчидир севги ҳаваси,
 Ҳаёт учун танаффус кетмас!

363

Яшаш учун туғилган инсон,
 Умри билан бахти барқарор.
 Камолотни кузатар замон,
 Яхши кунлар ҳаётдан ёдгор!

364

Қабул айла ҳурматимни,
 баҳодир сарбон,
 Яқин бўлсин карвонингга
 кўзлаган манзил.
 Дейдиларки: «Ит ҳуради,
 ўтади карвон»,
 Бироқ, дема: итлар ҳурар
 ҳар жойда ҳар хил!

Тил бор-йўғи бир парча гўштдир,
 Ўз бурчини ўтаса қани?!
 Ушлаб турган аслида тишдир,
 Йўқса, қилур чаппа дунёни?

366

Сўз — малҳамдир, ҳаловатдир,
 Сўз — оғир дард, жароҳатдир.
 Ёмон сўздан қочинг ҳар гал,
 Яхши сўзга қўйинг ҳайкал!

367

Йўқотмайман юлдузимизни,
 Хаёлга кўп бунча чўммайлик!
 Кўмсақ ҳамки биз ўзимизни,
 Қалбимизни ерга кўммайлик!

368

Дунёни кўп кўрмоқ учун
 интилар инсон,
 Қороғуни қувмоқ учун
 чироқ ёқади.
 Қанот боғлаб лочинлардай
 учар бенарвон,
 Еру кўкни қучмоқ учун
 тўймай боқади!

369

Дунёни кез, оламни кўр,
 меҳмонда бўлгин,
 Бир умрга парвоз этсин,
 шоир, юрагинг!
 Умринг тугаб жон берсанг ҳам,
 уйингда ўлгин,
 Ет юртларда хор бўлмасин
 иссиқ тўшагинг!

370

Кимки еру элин сотса,
 қилур жиноят,

Ул одам одаммас,
 ватангадо — у.
Ватан, виждонига
 қилса хиёнат,
Бўлур бу оламда
 кафангадо — у!

371

Ҳар кимнинг бор туғилган жойи,—
Киндик қони тўкилган маскан.
Ўз Қуёши, бордир ўз Ойи,
Азиз уйим — мен учун Ватан!

372

Турмуш — беланчак эмас,
Узоқ учмоқ истасанг.
Севги — ўйинчоқ эмас,
Ундан кечмоқ истасанг!

373

Мевали дарахт бор, отилади тош,
Олма ерга тушар, тош қолмас шохда.
Сенда юрак қайда, туюлмайсан бош,
Олмалар тош бўлиб ёғилган чоғда?

374

Биламан: асабинг қақшатди нокас,
Нозик ҳисларингга урди у ханжар.
Қим чоқ қазиса бировга, бил, бас,
Бир кун ўпқон бўлиб тортиб кетар жар!

375

Битта тордан наво кутма,
Битта қўлдан садо кутма.
Ҳаёсизда ҳаё борми,
Бевафодан вафо кутма!

376

Ари уясига суқиб чўп ногоҳ,
Тинчу ҳаловатин ким бузса агар,—

(Оддий ҳақиқатдан бўлсин ул огоҳ!)
Арилар заҳридан тил тортмай ўлар!

377

Йўлдан адашганни солишар йўлга,
Кимдир хато қилса, кимдир тузатар.
Вақтдан адашсанг гар дард чўкар дилга,
Ҳаётдан адашсанг, бўлгинг бешбаттар!

378

Табиат эъзозлар, инсон қадрлар,
Азалдан сукунат, ором, сокинни.
Тиригида тинчин бузганнинг етар,
Бузма «уйқу»сини — тинч қўй ҳокини!

379

Қалб қатидан ун келади,
Қасос келар, хун келади,
Ҳаётни сиз тун, деб билманг,
Тун кетидан тун келади!

380

Бахт қайда — хаёл бўлмаса,
Ҳаёт қайда — висол бўлмаса.
Она — бешик, қалби — остона,
Зурёд қайда — аёл бўлмаса!

381

Фироқни мен йироқларга олиб кетгум,
Чин вафони ўртоқларга олиб кетгум.
Мухаббатнинг ўз тили бор, ошиқ билар,
Ишқ асрорин тупроқларга олиб кетгум!

382

Сотқин сотса сени, ўкситса қаттиқ,
Сотқин сотқинлигин қилибди, дейсан.
«Дўстингман», деб сени ёнингда туриб,
Дўст сотса, у чоғда ёмон панд ейсан!

Ер талашдинг, талашдинг мансаб,
 Боқий, дединг, топган мол-дунё.
 Ҳаёт ҳукми эмас, бесабаб,
 Ҳаёт ўзи берди зўр жазо!

Нонни тепма, китобни тепма,
 Бизга азиз иккаласи ҳам.
 Бири — ризқу рўзимиз азал,
 Бири билан — англаймиз олам!

Ҳар нарсанинг қисқаси яхши,
 Эзма гапдан безордир дунё.
 Инсон умри бўлмаси калта,
 Бўлсин ҳаёт бундан мустасно!

Ҳаёт ҳам дарёдай оқар мутгасил,
 Уни ушлаб турар иккита соҳил:
 Битта қирғоғида яшагай кулгу,
 Иккинчи соҳилда ҳукмрон қайғу!

Покизалик — ҳаётга асос,
 Абадият — ҳалоллик, демак.
 Олажакдир эркин, ҳур нафас,
 Ҳаво тоза бўлганда юрак!

Иўқ, фалақдан тушмайди обрў,
 Уз-ўзидан келмайди омад.
 Меҳнат билан умрдир хушрўй,
 Тақдир бўлиб яшайди ҳаёт!
 Тақдир бўлиб яшайди ҳаёт!

Қарвон борки, сарбонсиз бўлмас,
 Шаҳар борки, қўрғонсиз бўлмас.

Забт этилмас ўзича қўрғон,
Жанглар борки, қурбонсиз бўлмас!

390

Сени кўриб, кўнглим гулбоғ,
Савол берар хуштор кўноқ:
«Айт-чи, санам, қандай сиғар
Кўкрагингга иккита тоғ?!»

391

Яхшилар бор бу ҳаётда,
 ҳамма қотилмас,
Арқонида инсоф ётар,
 маржон сотилмас.
Кўнгил мулкин солиб бўлмас
 тош-тарозига,
Барча нарса сотилса-да,
 номус сотилмас!

392

Ҳамма ҳам келади, кетади бир кун,
Ҳеч ким бу дунёга бўлмагай устун.
Аmmo адолатли амирлар яшар,
Элда диёнатли шоирлар яшар!

393

Элнинг ризқи-зоғорасига борман,
Тўй-томоша, ноғорасига борман.
Тириклигим, борлигимнинг гувоҳи,—
Янгаларнинг тоғорасига борман!

394

- Севишганлар кўнглида армон:
- Интизорлик, интозирлик!
- Инсон қалбин айлар вайрон:
- Дилозорлик, дилозорлик!

395

Адашмаган йўл топмас,
Бир меҳрибон қўл топмас.

Саёқ юрган — таёқ ер,
Сирдош, дардкаш дил топмас!

396

Доно кетиб, нодон кўпайди,
Ботир кетиб, нимжон кўпайди.
Ишламасдан куч бериб тилга,
Елғон тўқиб, гапдон кўпайди!

397

Юрак не учун керак —
муҳаббати бўлмаса,
Бургут не учун керак —
жуфт қаноти бўлмаса.
Қуёш не учун керак —
ёғдулари бўлмаса,
Инсон не учун керак
орзулари бўлмаса!

398

Осмон не учун керак —
юлдузлари бўлмаса,
Дарахт не учун керак —
илдизлари бўлмаса.
Инсон не учун керак —
виждонлари бўлмаса,
Замин не учун керак —
инсонлари бўлмаса!

399

Йўлда кўп юрганимдан
«Йўлчибой» деб аташар,
Тўйда кўп бўлганимдан
«Тўйчибой» деб аташар.
Дўстларимнинг ҳазили
менга эриш туюлмас,
Ким элдан йироқ кетса,—
у ҳаётда адашар!

400

Самарқанд юлдузлари
меҳр бўлиб чўккандир

Севги бўлиб, қуёш бўлиб
 юракларга, кўзларга.
Обираҳмат сувин ичган
 қайтиб келур, албатта,
Табаррук бу замин ўзи
 нидо қилар бизларга!

401

Ҳокимлар келару ҳокимлар кетар,
Дунё кўрган қанча шоҳу амирни.
Салтанат — боқиймас, у қулаб битар,
Ўз эли ардоқлар суюб Шоирни!

402

Кўзи оч ҳамиша тўқ бўлай, дейди.
Ҳатто инсофини сотишга тайёр.
Тўқлик, шўхлик қурсин — бошини ейди,
Ўзи тўқ бўлса ҳам, кўзи очлар бор!

403

Томири — борлиғи, шу билан тирик,
Ишонинг табиат қалб сўзларига.
Данаги аччиқ деб кесилмас ўрик,
Болта уриларми илдизларига!

404

Амалини пеш қилишиб арбоблар,
Номин сотиб, пок қалбларни азоблар.
Вақт аталмиш одил ҳакам бор, ахир,
Арбоб кетар, қолар нодир китоблар!

405

Ўзимда бор, чиндан, чексиз аламин,
Бўлолмади сўзим содиқ ҳамдамим.
Айбдор ўзим асли, бергин сен фақат
Менга жазо, қалбим, қаламим!

406

Ҳаётда худбинлик — ярамас нарса,
Йўлига кирганлар — қабиҳ ҳам беор.

Аммо ишқда керак якка ҳокимлик,
Муҳаббат бобида худбинлик даркор!

407

Ҳар юртнингга ўз номи, бор ўз шуҳрати,
Нондай азиз, тансиқ ҳар элда калом.
Олис йўллар босиб, чегара ошиб,
Келтирдим дўстларга ўзбекдан салом!

408

Руҳлар учиб юради,
Руҳлар кўчиб юради.
Фарзандларни ҳамиша
Руҳлар қучиб юради!

409

Аён бўлди чин ҳақиқат,
 ўргилайин тангридан,
Ором олиб яшаяпман
 муҳаббатни тафтидан.
Еру кўкка ишонмайди
 ёрим ишқли қалбимни,
Шу боисдан туширгиси
 келмас асло кафтидан!

410

Номарднинг номи йўқ, исми ҳам бўлмас
На мезон, на вазни, жисми ҳам бўлмас.
Эҳтимол, аёлдир, эҳтимол эркак,
Ҳаётда покаснинг жинси ҳам бўлмас.

411

Номард дастурхонда нонингга шерик,
Сув ичган пиёла — жомингга шерик.
Соядай эргашар қолмай ортингдан,
Сен топган обрўю номингга шерик!

412

Бирга еб ичару тузингни сотар,
Остонанг ўпару сўзингни сотар.

Пайт келса, ул оппоқ, сен эса «қора»,
Кўзингга тик боқиб, ўзингни сотар!

413

Юрак асло эмас тош,
Кераксиз, деб ташламанг.
Тирик кўздан оқар ёш,
Беҳудага ёшламанг!

414

Юрак — меҳрга муҳтож,
У ишқ билан ҳамнафас,
Бу ҳақиқат, на илож,
Қалбга буюриб бўлмас!

415

Ҳамма нарса даркор ҳаётда,
Ҳатто тўнка — кунда керакдир.
Энг муҳими — инсон зотига
Меҳр, мурувват кунда керакдир!

416

Меҳрингиздан яратиб ҳаёт,
Бахш этдингиз бизга ширин жон.
Қалбимизда яшайсиз абад,
Унутмаймиз сизни, онажон!

417

Қайданам сиз пайдо бўлиб
 ўрнашдингиз хаёлимга,
Шерик бўлиб яшаяпсиз
 ҳаётим ҳам иқболимга.
Оқлаш керак, ёқлаш керак
 ишқли қалбни, муҳаббатни,
Йўқса, жоним, сиз қолурсиз
 бу дунёда уволимга!

418

Сизни гулдай ўстирдим
 юрагим ардоғида,

Ишқим билан авайлаб,
 севиб кўнгил боғида.
Ёлғиз қолдирмам зинҳор
 энг охирги дамда ҳам,
Кетсам, олиб кетарман
 кўзларим қароғида!
 419

Заргар ҳоли не кечгай
 олтин-тилло бўлмаса,
Умид тенгги отарми
 офтоб-зиё бўлмаса.
Латофат қайдан бўлгай
 шарму ҳаё бўлмаса,
Янги ҳаёт яралмас
 севги, вафо бўлмаса!

420

Жафо ичра вафо топмадик,
Кимлардан биз хато топмадик.
Наҳот инсон шунчалар хор, зор,
Ўлимликка мато топмадик!

421

Нон дўсти бор, тил дўсти бор,
 жон дўсти бордир,
Нон дўстинг ҳеч кўра олмас
 топган нонингни.
Тил дўстингга дилинг очма,
 эҳтиёт даркор,
Жон дўстингдан аямагин
 азиз жонингни!

422

Мудом ҳушёр бўлинг, юраклар, кўзлар,
Ям-яшил оламнинг нигоҳлари бор.
Она табиатни асрайлик, дўстлар,
Шифобахш, доривор тиёҳлари бор!

423

Армонлар ушалишин
 орзудан олганмисиз?!

Умидим рўшнолигин
ёғдудан олганмисиз?!
Қўзларингиз кўрганда
лолу ҳайрон жайронлар,
Жайрон кўзни, жононим,
оҳудан олганмисиз?!

424

Шаҳло кўзлар шайдоси — мен, мен,
Шакар сўзлар гадоси — мен, мен!
Тиллари бол, оҳу кўзли ул —
Вафодор ёр адоси — мен, мен!

425

Риёзатсиз, меҳнатсиз
умр умр эмасдир,
Ҳаёт — азиз, қадрли,
уни арзон кўрмадим.
Эзгуликни ардоқла,
ёмонлардан йироқ юр,
Яхшиларга эргашиб,
зинҳор зиён кўрмадим!

426

Тилимизда феълнинг уч замони бор:
«Утган замон» бизга бирмунча аён,
«Ҳозирги замон»га тош отдик такрор,
«Келгуси замон»ни тополмай сарсон!

427

Йўл бор эди, буздик, уни,
кўҳна, эски деб,
Янги йўлни қурмоқ бўлдик
бизга ўзимизга.
Бугун эса не эскиси,
на бор, янгиси,
Оворамиз ета олмай
манзилимизга!

Зулматнинг душмани — чироқ биттадир
 Висолнинг кундоши — фироқ биттадир.
 Ерни ҳам, қалбни ҳам этмайлик бурда,
 Ватан сийнададир, тупроқ биттадир!

Икки нарса берар шоирга илҳом,
 Икки нарса тегмас одам ғашига.
 Қушларнинг сайраши гар берса ором,
 Шайдомиз оқар сув шилдирашига!

Ширин жонга муқаддас кўпроқ, —
 Қиндик қони тўкилган тупроқ.
 Ким келтирса ўз элига шак,
 Икки бетга тушгай шапалоқ!

Кимлар кетди сўлларга деб,
 кимлар кетди ўнгларга,
 Ақлим лолдир бу ҳаётда
 ҳақиқатни англарга.
 Кўр бўлиш ҳам, гунг бўлиш ҳам
 айб эмасдир оламда,
 Битта имо, бир ишора
 кифоядир гунгларга!

Мансаб — мисоли сароб,
 ушлаб бўлмас шарпадир,
 Тўраларга ишонма,
 умидинг барбод бўлгай!
 Ошно орттир дунёда,
 дўстлар ҳар ишга қодир,
 Жўраларга эргашгин,
 кўнглинг боғ, обод бўлгай!

Шоирдирман, менга амал керакмас,
 Менга шуҳрат, менга ҳайкал керакмас.
 Озод бўлсам, эркин бўлсам, ҳур бўлсам,
 Менга зиндон, менга қамал керакмас!

Севилмоқнинг сеҳри бошқача,
Муҳаббатнинг меҳри бошқача.
Тақдирнинг ўзи дастхати бордир,
Яхшиликнинг муҳри бошқача!

Ҳисоб-китоблидир аслида дунё,
Чўққига чиқдингми, тоғини сўра!
Халқ нақлин мағзини ўзинг чақ, ошно,
Узумин едингми, боғини сўра!

Дунё ёруғ — кўз билан,
Ноннинг таъми — туз билан.
Тилинг, дилинг бир бўлсин,
Одам лафзи — сўз билан!

Қадду қоматингга ишонма, санам,
Пайт келиб хушқомат букилиб қолар.
Давлат, шуҳратингга ишонма, ошнам,
Пайт келиб омад ҳам тўкилиб қолар!

Дедингки, бойлигинг чўнтакда бўлсин,
Инсоннинг имони — кўкракда бўлсин.
Ғубордир, бир хасдир топган, тутганинг,
Битмас, қайтмас давлат — юракда бўлсин!

Йўлнинг ҳам муроди бор,
Дилнинг ҳам муроди бор.
Муродли қалб бебаҳо,
Элнинг ҳам муроди бор!

Ниятингни яхши қил,
Муродинг ҳосил бўлур,

Манзилинг яқинлашар
Унга етгунг муқаррар!
Инсоф, диёнатли бўл,
Шукунларга эт, шукур,
Теподай берар Тангри
Тоғдай тиласанг агар!

441

Остоналар бўлсин олтиндан,
Ишқ соқчиси вафоли юрак.
Толе билан қутлайлик чиндан,
Севги тахти бўлсин муборак!

442

Лафзи билан инсон, инсондир,
Бebурдларга иш тушса увол.
Чин инсонга лафзи унвондир,
Ваъдабознинг сўзи хомхаёл!

443

Бebурдларда не қилсин имон,
Лафзи борнинг қадри бор, қадри!
Субутсизлар мисли ўлик жон,
Лафзи борнинг қалби бор, қалби!

444

Ирмоқлардан бошланар дарё,
Дарё нима, ирмоқ бўлмаса.
Зулумотни қувади зиё,
Зиё нима, чироқ бўлмаса!

445

Бу дунёнинг устунни — одам,
Одам нима — инсон бўлмаса.
Инсон учун яралган олам,
Олам нима — инсон бўлмаса!

446

Овчиман, деб қурол сотманг,
Уқсиз бўлмас милтиқ ҳам.

Қитоб-ку, деб Қуръон сотманг,
Бергай жазо ҳақ, Эгам!

447

Ишқ хобида Тоҳиру Зухро,
Қўролмаслар буни ажабо?
Уйғонишин кутиб ётурлар,
Қилич қайраб Қора ботирлар!

448

Эътиқоду имоннингдан айрилма,
Нафсга учиб унвонингдан айрилма.
Дастурхонни кўзингга сурт бир умр,
Тавфиқли бўл, виждонингдан айрилма✓

449

Бирни кўриб, шукур қилгин,
Мингни кўриб, фикр қилгин.
Халқ нақлида — халқ ақли бор,
Ақлу қалб-ла зикр қилгин!

450

Мўри борки — уйда тутун бўлмагай,
Имонсизнинг нони бутун бўлмагай.
Баробармиз еру кўкда барчамиз,
Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмагай!

451

Менга ёруғ бу дунё —
 кўзда гавҳар бор учун,
Кўкда шода юлдузлар,
 Шамсу қамар бор учун.
Одам ерда азиздир,
 Ҳунари бор қўлида,
Қадри тушмас тиллонинг —
 моҳир заргар бор учун

452

Ҳақиқат йўлида бу қалбим ёлғиз,
Кесмас қилич, дерлар, эгилган бошни.

Сиз — севгим тумори, йўқотмам ҳаргиз,
Ардоқлаб яшагум сиздек қуёшни!

453

Кўк бор — ҳилол бор,
Ер бор — иқбол бор.
Олтин кўпригим,—
Ишқ бор — висол бор!

454

Бахтим қутлаб, баҳор келармиш,
Наҳор билан хуштор келармиш.
Икки ошиқ дилни ардоқлаб,
Баҳор билан қўштор келармиш!

455

Оппоқ пахтамыз қора доғларни
Шўр сув мисоли ювиб юборди.
Кўп хосиятсиз ёт қарғаларни
Тупроғимиздан қувиб юборди!

456

Сизсиз қайга кетарман, бегим,
Сизга бошим эгарман бегим,
Қилмасангиз менга хиёнат,
Сизни бахтли этарман, бегим!

457

Мен — жаҳонман, ўз кўзимга сиғмайман,
Мен — замонман, ўз сўзимга сиғмайман.
Бу дунёнинг дунёсиман, ўзиман,
Мен — Инсонман, ўз-ўзимга сиғмайман!

458

Поезд нима — вагонлари, тамбур бўлмаса,
Ҳофиз нима — қўлда тори, танбур бўлмаса.
Қим кўрибди бир қўлдан ҳеч қарсак чиқишин,
Ҳаёт нима — ишқли юрак, бир тан бўлмаса!

Денгиз соҳилсиз бўлмас,
 Замин ҳосилсиз бўлмас.
 Севги — ҳаёт гултожи,
 Севги васлсиз бўлмас!

Висол завқи ибликни ёқтирар,
 Ҳижрон доғи жудоликни ёқтирар,
 Учрашув айрилиқдир бу дунё,
 Назм дарди танҳоликни ёқтирар!

Асабларни асранг, азизлар,
 Интилгандай ҳаётга, нурга.
 У — ҳазина, эъзозланг, дўстлар,
 Битмас бойлик бутун умрга!

«Минг бир кеча» эрур аёллар макри,
 Илону чаённи ўлдирар заҳри.
 Тоғу, қояларни қулатар қаҳри,
 Аёллар рашкига дуч келма, эркак!

Ҳар кимга буюрсин ўз омонати,
 Омонатга қилманг зинҳор хиёнат.
 Омонат, хиёнат эгиз бўлолмас,
 Жазосиз қолмагай ҳар бир жиноят!

«Дарё бўлса — оқади кема»,
 Бу дунёда ҳеч ёлғон дема.
 Қани ўша кема ҳам дарё?
 Тузми, қумми—оққан у нима?!

Ўз эркида ҳар ким эркин қуш,
 Учманг асло эрмак, ҳавасга.

Ишқ каптари кўкка урсин тўш
Севгимизни солманг қафасга!

466

Ошноларни илдиз деб билгин,
Илдиз абад ерга туташгай!
Яхшиларни юлдуз деб билгин,
Юлдуз ботса, йўлчи адашгай!

467

Қалбда қаҳр, меҳр мужассам,
Сўзда оташ, сеҳр мужассам,
Шеърга ҳикмат, донишмандлик ёр,—
Тақдир босган муҳр мужассам!

468

Ҳаёт мағзи — эътиқод, ихлос,
Меҳнат билан — ҳурмату эъзоз.
Авлодларга аждодлар ёди,—
Хулқи, одоб — энг ноёб мерос!

469

Ёмонлардан ҳазар қилдим,
Яхшиларга назар қилдим.
Поклар учун уйим очиқ,
Қалбим кўприк, гузар қилдим!

470

Шодлик билан қайғу, кулгу билан ғам,
Қувиб, излаб юрар бир-бирларини
Очлик ҳам, тўқлик ҳам ҳаётда мудом,
Павбат-ла алмашар ўринларини!

471

Меҳримнинг умри узоқ,—
Қалбим билан сирлашар!
Шеърим — қалбда ўт, чироқ,—
Халқим билан сўйлашар!

472

Ортиқ онт ичиб бўлмас,
Тақдирдан кечиб бўлмас.
Ўз ҳукми бор қисматнинг,
Қисматдан қочиб бўлмас!

473

Замон сенга боқмаса гар,
 сен замонга боқ,
Виждон кўзи билан кўргин,
 чин инсонга боқ.
Осмон йироқ, ер қаттиқдир,—
 сабабин англа,
Ишонмасанг, ерга қара,
 бир осмонга боқ

474

Баъзилар пичоғи — ўткирмас, ўтмас,
Бировларнинг сўзи — бировга ўтмас,
Ҳаётда бемеҳр айрим одамлар,—
Қалбида ҳарорат оловмас, ўтмас!

475

Яшаган умрига айтиб шукрона,
Хилватгоҳ ичига киради одам,
Тарки дунё кори — ишққа бегона,
Ошиққа охират ярашмас ҳеч ҳам!

476

Яхши хотин — ҳаёт каломин,
Оилада эрнинг иқболи.
Эр эр эмас, қаро ер бўлгай,—
Ёмон хотин — умр заволи!

477

Болаликда болалар кўчани гуллатишар,
Усмирликда ўсмирлар кечани гуллатишар
Йигитликда йигитлар оёққа суянишар,
Кексаликда кексалар таёққа суянишар! v

Яхши ёмонни сафар саралар,
 Мисми, қўргошин, кумушми, нуқра
 Мовий осмонни саҳар саралар,
 Асл тиллони заргар саралар!

Айрилганни — айиқ ер,
 Бўлинганни — бўри ер.
 Бир дарахт ўрмон бўлмас,
 Ёлғизни — ўз гўри ер!

Назокатни чечакда кўрдим,
 Келажакни гўдакда кўрдим,
 Қатра — дарё, зиё — қуёшдир,
 Муҳаббатни юракда кўрдим!

Нондай мўътабар Шарқда кексалар,
 Эл нақлин ёдлаб, кўксим юксалар:
 «Қариси борнинг париси бордир,
 Париси борнинг бариси бордир!»

Севги жозибаси, сеҳрли шунчалар,
 Қочиб қутилолмас ишқдан ҳеч юрак.
 Домига илинар ишқли ғунчалар,
 Тўрига ўрайди гўё ўргимчак!

Ирим деб асраган оқ соч толасин,
 Кимгадир рашк қилиб, ўтга куйдирдинг.
 Дилбарим, тингламай қалбим ноласин
 Ўзингдан совутиб, севгим сўндирдинг!

Вафодорнинг қалбида чўғмен,
 Томир отдим ўхшаб гулга мен.

Бевафога ўлганман, йўқман,
Айланганман совуқ кулга мен!

485

Бевафодан қилардим ҳазар,
Босмам оёқ ҳатто қабрига.
Қўмилганман ёрим қалбига,
Ишқи билан гул умрим безар!

486

Тили йўқми — миллат эмас,
Эли йўқми — элат эмас!
Дини йўқми — қалб эмас у,
Дили йўқми — халқ эмас у!

487

Толе — тилдадир,
Ризқ-рўз қўлдадир.
Инсофли бўл, эл,
Имон — дилдадир!

488

Кепак, унни қоп беркитар,
Қилични гилоф беркитар.
Фарқла яхши, ёмонни,
Аблаҳни ниқоб беркитар.

489

Қўк сулуви, ҳилол, дуркун ой,
Бўлай десанг тўлин, эркин ой,
Парда тутгин ҳаё, иффатдан,
Ёмондан қоч тезроқ, беркин, ой.

490

Қўлда бор, деб қаламим,
Оқ қоғозни қоралама!
Бор деб ўчим, аламим,
Тоза қалбни яралама!

Маслаҳатга эл муҳтож,
 дуоли тўй тарқамас,
 Йўлчига, йўловчига
 йўриқчилар ҳам керак!
 Қут-барака қочади,
 хирмон ҳам хирмон эмас,
 Экин эккан деҳқонга
 қўруқчилар ҳам керак.

492

Менга деди жўрам бир кун:
 «Гумон — имондан қайтарар!»
 Қалб тузатди дўстни секин:
 «Имон — гумондан қайтарар!»

493

Дил бор, сўз бор, яқдиллиги йўқ,
 Иноқлиги, аҳиллиги йўқ.
 Эрк керакдир, бирлик керакдир,
 Элга оғиз бирлик керакдир.

494

Ҳар нарсани фаҳмла,
 эта олгин фарқ,
 Тез-тез Фарбни эслайсан,
 ахир, бор-ку улуг Шарқ.
 Угай билма Шимолни,
 Жанубни ҳам унутма,
 Ҳаётнинг уммонида
 бўлмай десаиғ агар фарқ!

495

Мен — биллурман, деса, кўнгил,
 Бу — ҳақ, ишон, унга кўн, гул!
 Гул сўлиса, дил чил синса,
 Виждон айтмас, бунга кўнгил!

496

Ҳаёт боқий, умид, истак қаримас,
 Илдиз отса чинор, терак қаримас.

Ишқи билан кўнгил бутун, барҳаёт,
Муҳаббатга тўлиқ юрак қаримас!

497

Юрагимнинг гулхани, ишқим,
Ҳаётимнинг гулшани, ишқим.
Қўлдан тушмас созим, қаламим,
Сенга мангу ишонай, ишқим!

498

Куйла, танбур,
Жон бир, тан бир.
Мен — ўзбекман,
Қалб, Ватан бир!

499

Қалбдан битдим дил сўзларимни,
Баҳам кўрдим ўт ҳисларимни,
Умматиман Пайғамбаримнинг,
Қабул айланг ҳадисларимни!

500

Шеър — умрнинг нақши дегани,
Тўртов тугал — яхши дегани.
«Улфати чор — анда маза бор»,
Эл сийласа, бахши дегани.

1965—1993 йиллар

Хўжахайрон — Қарши — Самарқанд — Тошкент.